

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА СТАТИСТИКА»
ФАКУЛЬТЕТИ**

Битирув малакавий иши
ҳимояга тавсия этилди
«Иқтисодий педагогика»
кафедраси мудири
п.ф.д., проф. М.Ф. Хакимова

«_____» _____ 2014 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: “ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР
МУВОЗАНАТИ” МАВЗУСИНИ АНИҚЛАШТИРИЛГАН
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ**

(Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежи мисолида)

Бажарди: “Ахборот технология-
лари ва статистика” факультети,
«5140900 - Касб таълими
(иқтисодиёт тармоқлар бўйича)»
таълим йўналишини битирувчи
4-курс талабаси Б.Ж. Джанкабилов

Илмий раҳбар: «Иқтисодий
педагогика» кафедраси катта
ўқитувчиси И.Г. Мамажонов

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I БОБ	ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1.	Талаб тушунчаси ва унинг миқдorigа таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни.....	9
1.2.	Таклиф тушунчаси. Таклиф миқдorigа таъсир қилувчи омиллар. Таклиф қонуни.....	14
1.3.	Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Бозор мувозанати.....	17
	1-боб юзасидан хулосалар.....	24
II БОБ	ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	25
2.1.	Иқтисодий фанларни ўқитишда мақсадларни аниқлаштиришнинг умумий йўллари.....	25
2.2.	Тошкент тижорат ва тadbиркорлик коллежида иқтисодий фанларни ўқитишнинг инновацион технологиялари таҳлили.....	35
2.3.	Аниқлаштирилган дифференциал технологиялар асосида иқтисодий таълим самарадорлигининг таҳлили.....	53
	2-боб юзасидан хулосалар.....	56
III БОБ	АНИҚЛАШТИРИЛГАН ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА “ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ	57
3.1.	Иқтисодий фанларни ўқитишда ўқитувчининг инновацион фаолияти.....	57
3.2.	Тошкент тижорат ва тadbиркорлик коллежида “Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати” мавзусини аниқлаштирилган дифференциал технологиялар асосида ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш.....	61
	3-боб юзасидан хулосалар.....	68
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	70
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	72
	ИЛОВАЛАР	78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган тўғри ва изчил иқтисодий сиёсат орқали аҳамиятли ижобий натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Ўзбекистонда талаб ва тақлифнинг ўзаро мутаносиблиги негизида миллий хўжалигимиз иқтисодий жихатдан мустаҳкамланиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимдан мерос бўлиб қолган бир томонламалик ва инқироз ҳолатидан чиқарилди; иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб, ривожлантирилди. Маънавий жабҳада ҳам туб ўзгаришлар қилиниб, жамият аъзоларида миллий истиқлол ғояси ва мафкураси шаклланди. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз И.Каримов 2013 йил якунларига бағишланган мажлисдаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” деб номланган маърузаларида “Биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти **8** фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **8,8** фоизга, қишлоқ хўжалиги – **6,8** фоизга, чакана савдо айланмаси – **14,8** фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва **6,8** фоизни ташкил этди”¹ деб, таъкидлаган эди. Юқоридаги иқтисодий

¹ “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

кўрсаткичлар талаб ва таклифнинг мутаносиблиги негизда юзага келганлиги ҳаммага маълум.

Жамиятда рўй берадиган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни беришда «Иқтисодий билим асослари» фанининг роли бекиёсдир. Бугунги кунда ёш авлодда бунёдкорлик ғояларини шакллантириш, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий маданиятини ошириш каби муҳим вазифаларни бажариш орқали мазкур фаннинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади”².

Айни пайтда илмий-техникавий тараққиёти нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сони тармоқларига, балки маданий, ижтимоий гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да “...ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш”³ таъкидланиб, узлуксиз таълим сифатини ошириш ва такомиллаштиришнинг иккинчи ва учинчи босқичларда бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Шу маънода айни пайтда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий таълимдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиётни сир-асрорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, “Иқтисодий билим асослари” фанини чуқур ўрганишга талабларни янада кучайтирди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳаётимизда талаб, таклиф, бозор

² Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 8 декабрь.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. – Т. «Шарқ», 2001. 18- бетлар.

иқтисодиёти, бозор мувозанати, кичик бизнес, тадбиркорлик, нархларни эркинлаштириш, маркетинг, менежмент каби иқтисодий тушунчалар тез-тез дуч келмоқдамиз. Яъни, барча соҳаларда мазкур тушунчаларни амал қилмоқда. Шу маънода, мазкур тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятини узлуксиз таълимда ўқувчи-талабалар онгига синдириш бугунги ҳозирги замон иқтисоحي-ўқитувчилари олдида турган асосий вазифалар қаторига кирмоқда. Шу билан бирга ўқувчи талабалар онгида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, иқтисодий машоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш иқтисодий таълимдаги асосий муаммолар сирасига киради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. “Талаб ва таклиф” мавзуси “Иқтисодиёт назарияси” фанининг энг долзарб ҳисобланган мавзуларидан бири ҳисобланиб, бу мавзу бўйича Республикамиз ва хорижнинг энг етук иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ қилинмоқда. Бугунги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида мазкур мавзу ёки айтиш жоизки, муаммо хусусида иқтисодчилардан М.Шарифхужаев, А.Ўлмасов, Ш.Шодмонов, Д.Тожибоева, Р.Алимов, А.Ваҳобов, Н.Хўжаев, И.Иномов, Б.Беркинов, А.Раззоқов кабилар мазкур муаммо хусусида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Юқорида қайд номлари қайд этилган иқтисодчи олимлар томонидан “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий билим асослари”, “Бозор иқтисодиёти асослари” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларда айнан “Талаб ва таклиф” мавзуси алоҳида мавзуларда баён этилади. Шу билан бирга мазкур муаммо хусусида “Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси”⁴ ўқув қўлланмасининг муаллифи Д.Тожибоева илмий изланишлар олиб борган. Яъни, ўқув қўлланмада “Талаб ва таклиф” мавзусини ўқитиш борасида дарс ишланмаси замонавий педагогик технологиялар асосида берилади. [23, 24,25, 26, 31,32, 34]

Айни пайтда бу борада Республикамизда номзодлик диссертациялари, магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишлар ҳам амалга оширилиб

⁴ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. Т. “Фан ва технология”, 2005 й.

илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. И.Мамажоновнинг “Иқтисодчи педагог кадрлар тайёрлашда педагогик технологиялардан фойдаланиш”⁵ мавзусидаги магистрлик диссертациясида ҳам мавзуга оид материаллар мавжуд.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки, “Талаб ва таклиф” мавзуси доимий иқтисодчилар олдидagi долзарб мавзу ҳисобланади, шунинг учун ҳам юқоридаги номлари қайд этилган олимлар бу муаммонинг илмий-назарий асосларини тадқиқи қилганлар, лекин мазкур муаммо хусусида жоҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида талаб ва таклифнинг ўзига хос хусусиялари, мавзунини аниқлаштирилган технологиялар асосида ўқитиш услубиётлари ишланмаган. Бизнинг битирув малакавий ишимиз юқоридалардан шуниси билан фарқ қилади.

Битирув малакавий ишининг мақсади - “Талаб ва таклиф.Бозор мувозанати” мавзусини аниқлаштирилган технологиялар асосида ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари.

1. Талаб ва таклиф назарияси ва уларнинг иқтисодий асосларини илмий манбалар асосида ўрганиш, таҳлил қилиш.

2. Иқтисодий фанларни ўқитишнинг инновацион технологияларини таҳлил қилиш ва хулосалар ишлаб чиқиш.

3. Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида аниқлаштирилган дифференциал технологиялар асосида “Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати” мавзусини ўқитиш услубиёти ишлаб чиқиш ва тажриба синовдан ўтказиш.

4. Битирув малакавий иши юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежидаги иқтисодий таълим жараёнлари ҳисобланади.

⁵ Мамажонов И. Бўлажак иқтисодчи ўқитувчи кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. Магистрлик диссертацияси. – Т., 2001.

Битирув малакавий ишининг предмети “Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати” мавзусининг ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларидир.

Битирув малакавий ишининг методологик асослари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президентимиз И.Каримовнинг асарлари, мавзуга доир ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан chop этилган илмий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар, монографиялар талаб ва таклиф, бозор мувозанати билан боғлиқ тадқиқот ишларининг натижалари, илмий мақолалар бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг методлари. Битирув малакавий ишида қуйидаги кузатиш, суҳбат, педагогик тажриба-синов ва умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.

1. Талаб ва таклиф, бозор мувозаноти иқтисодий катигория сифатида ўрганилди.
2. Талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди.
3. Иқтисодий фанларни ўқитишда мақсадларни аниқлаштиришнинг умумий йўллари тадқиқ қилинди.
4. Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида иқтисодий фанларни ўқитишнинг инновацион технологиялари ўрганилди.
5. Иқтисодий фанларни ўқитишда иқтисодчи-педагогнинг инновацион фаолияти тадқиқ қилинди.
6. Аниқлаштирилган технология асосида иқтисодий “Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати” мавзусини ишлаб чиқилди ва тажриба синовдан ўтказилди.

Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти. Битирув малакавий ишида кўтарилган масалалардан иқтисодиёт билан қизиқувчилар жумладан, талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар, талаб қонуни, таклиф тушунчаси, таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар, таклиф қонуни, талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, бозор мувозанати, иқтисодий фанларни ўқитишда мақсадларни аниқлаштиришнинг

умумий йўлларида иқтисодий, педагогик манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг аҳамияти шундаки, ундаги ишлаб чиқилган “Талаб ва тақлиф. Бозор мувозанати” мавзусини ўқитиш услубиётидан барча ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларида “Иқтисодий билим асослари”, “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодиёт асослари” курсларида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга мазкур методика талабаларни иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда асос бўлади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва таркиби. Илмий тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат бўлиб, биринчи боб “Талаб ва тақлиф назарияси ва уларнинг иқтисодий асослари” деб номланади ва унда талаб тушунчаси ва унинг миқдorigа таъсир қилувчи омиллар, талаб қонуни, тақлиф тушунчаси, тақлиф миқдorigа таъсир қилувчи омиллар, тақлиф қонуни, талаб миқдори ва тақлиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, бозор мувозанати масалаларини ҳал этилади. Тадқиқотнинг иккинчи боби, “Иқтисодий фанларни ўқитишнинг инновацион технологиялари ва уларнинг таҳлили” деб номланади. Мазкур бобда иқтисодий фанларни ўқитишда мақсадларни аниқлаштиришнинг умумий йўллари, Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида иқтисодий фанларни ўқитишнинг инновацион технологиялари таҳлили, аниқлаштирилган дифференциал технологиялар асосида ўқитиш самарадорлигининг таҳлили каби масалалар ёритилган. Ишнинг энг асосий учинчи бобида аниқлаштирилган дифференциал технология асосида “Талаб ва тақлиф назарияси. Бозор мувозанати” мавзусини ўқитиш услубиёти ишлаб чиқилган.

I БОБ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни

Эҳтиёж кишиларнинг ҳаётий воситаларига бўлган заруриятини ифодаловчи илмий категория сифатида тараққиётнинг ҳамма босқичлари учун умумий ва доимийдир. Унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тарихий кўриниши талаб тушунчасидир. Талаб эҳтиёждан фарқ қилиб, мустақил иқтисодий категория (илмий тушунча) сифатида амал қилади.

Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланади. Демак, талаб – бу пул билан таъминланган эҳтиёждир. Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хоҳиш», «истак» бўлиб қолаверади. Талабнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, чунки нарх ўзгариши билан товарнинг сотиб олинadиган миқдори ҳам ўзгаради. Шу боғлиқликдан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф бериш мумкин: маълум вақт оралиғида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар маълум турларини сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёжи талаб дейилади [24].

Талаблар турлича бўлиб, одатда бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқ қилинади: якка талаб ва бозор талаби. Ҳар бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби якка талаб дейилади. Бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси бозор талаби дейилади.

Якка талаб ҳам, бозор талаби ҳам миқдор жиҳатдан аниқланади. Лекин бу миқдор ҳар доим ҳам бир хил бўлиб турмайди, балки ўзгарувчан бўлади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг кўп таъсир қилadиган омил нарх омилидир.

Нарх ва сотиб олинadиган товарлар миқдори ўртасидаги бўлadиган боғлиқликни қуйидаги 1-жадвал маълумотлари асосида қараб чиқамиз.


Нарх ва сотиб олинadиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик.

1 - жадвал⁶

Бир кг ун нархи (сўм)	1 ой давомида унга бўлган якка талаб миқдори (кг)	1 ой давомида унга бўлган бозор талаби миқдори (тн)
350	10	1,0
300	20	2,0
250	30	3,0
200	50	5,0
150	60	6,0

Жадвал маълумотлари товар нархининг пасайиши сотиб олинadиган товар миқдорининг ўсишига ва аксинча, нархнинг ўсиши талаб миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатади. Маҳсулот нархи ва сотиб олинadиган товар миқдори ўзгариши ўртасида бўладиган тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади. [24, 25]

Товар нархи ва унинг харид қилинадиган миқдори (талабнинг) ўртасидаги тескари боғлиқликни оддий икки ўлчамли графикда ҳам тасвирлаш мумкин: ётиқ чизиқ талаб миқдорини, тик чизиқ нархни кўрсатади (1-чизма).



1-чизма. Талаб эгри чизиғи⁷.

Графикдаги DD чизиқ нарх ва талаб ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни тасвирий акс эттиради.

Графикдаги ҳар бир нуқта товарнинг аниқ нархи ва истеъмолчи шу нархда сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдорини кўрсатади.

⁶ Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: “Фан ва технологиялар” 2009 101-бет

⁷ Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: “Фан ва технологиялар” 2009 102-бет

Нарх ва талаб ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатувчи бу чизиқ талаб эгри чизиғи дейилади. [24, 23]

Талаб миқдорига нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар. Талаб ҳажмининг ўзгариши фақат товар нархига эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу омиллар талабнинг нархдан ташқари омиллари дейилади. [24]

Талабга нархдан ташқари қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади:

- 1) истеъмолчининг диди;
- 2) бозордаги истеъмолчилар сони;
- 3) истеъмолчининг даромадлари;
- 4) бир-бирига боғлиқ товарларнинг нархи;
- 5) келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эҳтимоли.

Бу омилларнинг ўзгариши талаб ҳажмининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини қараб чиқамиз.

1. Бирор маҳсулотга истеъмолчи дидидаги ижобий ўзгариш рўй берса, нархнинг тегишли даражасида унга бўлган талаб ортади. Истеъмолчи дидига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар талабнинг қисқаришига олиб келади.

2. Ўз-ўзидан аниқки, бозорда истеъмолчилар сони кўпайса, талаб ортади, истеъмолчиларнинг сони камайса, талаб қисқаради. Масалан, алоқа воситаларининг такомиллашуви халқаро молиявий бозор доирасини, ундаги қимматли қоғозларнинг олди-сотди жараёнларида иштирок этувчилар сонини мислсиз кенгайтиради ҳамда акция ва облигация каби молиявий активларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Туғилиш даражасининг пасайиши болалар боғчаси ва мактабга бўлган талабни камайтиради.

Пул даромади ўзгаришининг талаб ҳажмига таъсири бошқа омилларга қараганда анча мураккаб. Пул даромадининг ортиши жуда кўп товарларга талабни нисбатан оширади, даромаднинг камайиши эса бундай товарларга талабни камайтиради. Даромад ошса, унинг ўсишига қараб истеъмолчилар аксарият ҳолларда нархи юқори бўлсада, кўпроқ сифатли товарларни харид қилишга ҳаракат қилишади. Бунда улар нон, картошка, карам каби

махсулотларни камроқ сотиб олишлари мумкин. Чунки ортикча даромад уларга анча юқори оқсил таркибига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, гўшт ва сут маҳсулотлари харид қилиш имконини беради. Даромаднинг ўзгариши билан талаб миқдори тўғри боғлиқликда ўзгарадиган товарлар олий тоифали товарлар дейилади. [24, 25]


Даромадлар ўзгариши билан талаб миқдори тескари боғлиқликда ўзгарадиган товарлар паст тоифали товарлар дейилади.

Истеъмолчилар даромади ва улар томонидан сотиб олинadиган товарлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик немис иқтисодчиси ва статисти Эрнст Энгель (1821-1896) томонидан чуқур тадқиқ этилган. Шунга кўра, истеъмолчи даромади билан у томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Энгель қонуни дейилади. [27]

Бу қонуннинг амал қилишини Энгель эгри чизиғи орқали ифодалаш мумкин (2-чизма). Олий тоифали ёки нормал товарлар учун Энгель эгри чизиғи ўсувчан кўринишида бўлади. Ҳақиқатан ҳам, аҳоли даромадлари ўсиб бориши билан бу турдаги товарлар кўпроқ харид қилинади. Паст тоифали товарлар учун Энгель эгри чизиғи пасаювчан кўринишда бўлиб, даромадлар ошиб бориши билан истеъмолчилар уларни камроқ миқдорда сотиб оладилар. Агар товарнинг истеъмоли даромад даражасига боғлиқ бўлмаса, у ҳолда Энгель эгри чизиғи тик ҳолда бўлади.

Чизмадан кўринадик, истеъмолчининг бир ойлик даромади 10 минг сўмдан 20 минг сўмга ошганда, у сотиб олган маҳсулот миқдори 1 донадан 2 донага, 20 минг сўмдан 30 минг сўмга ошганда 2 донадан 4 донага ошмоқда. Даромадларнинг кейинги ўсиши билан товарлар сотиб олиш ҳажмининг ўсиши секинламоқда: 30 минг сўмдан 40 минг сўмгача – 4 донадан 6 донагача, 40 минг сўмдан 50 минг сўмгача – 6 донадан 7 донагача. Даромаднинг бундан юқори даражаларида эса сотиб олиш ҳажмининг ўсиши бутунлай тўхтаган (даромаднинг 60 минг сўм ва ундан юқори даражаларида мазкур товарнинг 7 донаси сотиб олинмоқда).

Даромад, минг сўм



2-чизма. Энгель эгри чизиғи⁸.

Энгель эгри чизиғи истеъмолчилар пул даромадлари ўзгаришининг талабга қандай таъсир қилиши тўғрисида ахборот беради. Бу ахборот товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз товарларининг мумкин бўлган сотиш ҳажми ва бозор конъюнктурасини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

3. Ўзаро боғлиқ товарлар нархи ўзгаришининг талабга таъсирини ўрганишда уларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) ўзаро бир-бирини алмаштирувчи ёки ўринбосар товарлар; 2) ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлар.

Ўзаро бир-бирини алмаштирувчи товарлардан бирининг нархини ўзгариши билан бошқасига бўлган талабнинг ўзгариши тўғри боғлиқликда бўлади. Масалан, сариёғ нархининг ошиши маргаринга бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Сариёғ нархининг пасайиши эса маргаринга бўлган талабни камайтиради.

Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлардан бирининг нархини ўзгариши билан бошқасига бўлган талабнинг ўзгариши тескари боғлиқликда бўлади.

⁸ Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: "Фан ва технологиялар" 2009 101-бет

Масалан, агар автомобилнинг нархи ошса, бензинга бўлган талаб қисқаради. Аксинча, автомобилнинг нархи тушса, бензинга бўлган талаб ошади.

5. Келгусида истеъмолчи даромадлари, товар нархи ўзгаришининг кутилиши ва товарлар миқдорининг етарли бўлиши ёки бўлмаслиги каби омиллар талаб ҳажмини ўзгартириши мумкин. Келгусида нархнинг нисбатан ошишининг кутилиши, истеъмолчи жорий талабининг ошишига олиб келади. Аксинча, нархнинг пасайиши ва даромаднинг кўпайишининг кутилиши товарларга бўлган жорий талаб ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади.

1.2. Таклиф тушунчаси. Таклиф миқдorigа таъсир қилувчи омиллар.

Таклиф қонуни

Маълум вақт оралиғидаги нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилган миқдори таклиф дейилади. Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади. Алоҳида ишлаб чиқарувчи ҳамда бозор таклифини ифодаловчи мисол 5-жадвалда кўрсатилган.

Таклиф нархларнинг турли даражасида қанча миқдордаги маҳсулотнинг сотишга чиқарилишини кўрсатади.

Нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товарлар таклифи миқдори ҳам ортади, нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради. Нархнинг ўзгариши билан таклиф этилаётган товар миқдорининг тўғри боғлиқликдаги ўзгариши таклиф қонуни дейилади. [24]


Нарх ва таклиф миқдори ўртасидаги боғлиқлик.

2-жадвал

1 кг ун нархи (сўм)	1 ой давомида уннинг якка таклифи миқдори (кг)	1 ой давомида уннинг бозор таклифи миқдори (тн)
350	60	6,0
300	50	5,0
250	30	3,0
200	20	2,0
150	10	1,0

Истеъмолчи учун нархнинг ошиши тўсиқ ролини ўйнаса, ишлаб чиқарувчи учун рағбатлантириш вазифасини бажаради.

Нарх даражаси ва таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатувчи маълумотларни графикда ифодалаб, **таклиф эгри чизигини** тасвирлаш мумкин (3-чизма).



3-чизма. Таклиф эгри чизиги⁹.

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига **нархдан ташқари бир қатор омиллар** ҳам таъсир қилади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

- 1) ресурсларнинг нархи;
- 2) ишлаб чиқариш технологияси;
- 3) солиқ ва субсидиялар;
- 4) бошқа товарларнинг нархи;
- 5) нарх ўзгаришининг кутилиши;
- 6) бозордаги сотувчилар сони.

Мазкур омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши таклиф ҳажмининг ўзгаришини тақозо қилади.

Таклифга таъсир қилувчи омилларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

1. **Ресурсларнинг нархи.** Ишлаб чиқариш харажатлари ва таклиф ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ресурс нархларининг пасайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва таклифни оширади. Аксинча, ресурсларга нархнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва

⁹ Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: “Фан ва технологиялар” 2009 104-бет

таклифни қисқартиради. Масалан, минерал ўғитлар нархининг пасайиши бўғдой таклифини оширади, ёмғирлатиб суғориш харажатларининг ошиши маккажўхори дони таклифини қисқартиради.

2. Ишлаб чиқариш технологияси. Технологияларнинг такомиллашуви маҳсулот бирлигини анча самарали ишлаб чиқаришга имкон беради. Ресурсларнинг мавжуд нархида ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва таклиф кўпаяди. Масалан, пахта зараркунандаларига қарши анча самарали биологик усулларнинг яратилиши пахта толасининг миқдори ва сифатини, бинобарин таклифини оширади.

3. Солиқлар ва субсидиялар даражаси. Кўпчилик солиқлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради. Шу сабабли солиқларнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, импорт товарларга бож тўловларининг ошиши унинг таклифини қисқартиради. Аксинча, давлат қандайдир товар ишлаб чиқариш ёки бирор соҳага субсидия берса, бу амалда харажатларни камайтиради ва унинг таклифини оширади.

4. Бошқа товар нархи. Бошқа товарлар нархларининг ўзгариши ҳам мазкур товар таклифини ўзгартиради. Масалан, қўй гўшти нархининг пасайиши мол гўшти таклифини оширади. Аксинча, мол гўшти нархининг тушиши қўй гўшти таклифини оширади.

5. Нарх ўзгаришининг кутилиши. Келгусида маҳсулот нархининг ўзгаришининг кутилиши ҳам ишлаб чиқарувчининг бугунги кундаги бозорга маҳсулот етказиб бериш хоҳишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, келажакда нефт нархининг кескин пасайишининг кутилиши нефтнинг таклифини пасайтиради.


6. Ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) сони. Товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори шунчалик кўп бўлади. Тармоқдаги ишлаб чиқарувчилар сони ортиб бориши таклифни кўпайтиради, чунки товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Таклиф ҳажмининг ўзгаришига товарнинг сақланиш хусусияти, сақлаш харажатлари ва транспорт-ташиш имкониятлари ҳам таъсир кўрсатади. Масалан,

узоқ вақт сақлаб бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун таклиф камдан-кам ўзгарувчан бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти, табиий ресурсларнинг мавжуд даражаси ҳам таклифга таъсир кўрсатади. Масалан, нархнинг ўзгаришига жавобан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш имконияти мавжуд бўлса таклиф ўзгаради. Қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерлар чекланган бўлса, унинг нархи (рента) қанчалик ошмасин, ер таклифини ошириб бўлмайди.

Мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилда олдинги йилга нисбатан 1,2 баробар ўсган бўлса, сўнгги 3 йилда қарийб икки баробар ошди. Натижада 2013 йилда 1282 янги иш ўринлари яратилиб, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 5,3 млрд. долл.ни ташкил этди (1-расм).



Изоҳ: * - маълумот мавжуд эмас.

** - автомобилларсиз.

1 - расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари натижалари.

1.3. Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Бозор мувозанати

Биз юқорида турли омиллар таъсирида талаб ва таклиф миқдорининг ўзгариб туришини кўрдик. Лекин талаб билан таклиф миқдорлари бир-бирлари билан доимо маълум нисбатда бўлади, бу нисбатлар ўзгариб туради. Баъзан талаб миқдори таклиф миқдоридан ошиб кетиб, нарх кўтирилса, айрим пайтда


таклиф миқдори талаб миқдоридан ошиб кетиб, нарх пасайиб қолади. Талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат бир-бирига тенг бўлган ҳолат бозор мувозанати дейилади. Бозор мувозанати вужудга келган ҳолда шаклланган нарх бозор нархи дейилади. Баъзан уни мувозанатлашган нарх ҳам деб юритилади. Бозор мувозанати ва мувозанатли нарх ҳар доим мавжуд бўлиб турмайди, уларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар мувозанатликнинг бузилишига сабаб бўлади. Аммо иқтисодиётда ушбу мувозанатга доимо интилиш мавжуд бўлади.

Талаб ва таклиф тушунчалари таҳлили, бизга сотувчи ва харидорлар манфаатлари мос келишини қараб чиқишга ўтиш имконини беради. Мос келишлик ўз ифодасини мувозанатли нархда топади.

Олдинги бандларда кўриб чиқилган талаб ва таклиф эгри чизиқларини битта графикка жойлаштириб бозор мувозанатли нуқтасини ҳосил қиламиз

$T_b = T_\phi = H_m = M_m$, бу ерда: T_b - талаб, T_ϕ - таклиф, H_m - мувозанатли нарх, M_m – товарнинг мувозанатли миқдори. [23, 24]

Графикда Е нуқатга мувозанатли нарх (H_m) ва маҳсулотнинг муозанатли миқдори (M_m) мос келади. Яъни, нарх 250 сўм бўлганда, харидорлар мазкур товар (ун) дан 3 тонна сотиб олишга, сотувчилар эса 3 тонна унни бозорга чиқаришига тайёр бўлади. 200 сўмлик нархда сотувчилар ва харидорлар аҳволи бутунлай ўзгаради: сотувчилар фақат 2 тонна унни сотишга, харидорлар эса 5 тонна сотиб олишга тайёр бўлади ва ҳоказо.



4-чизма. Мувозанатли нарх¹⁰.

¹⁰ Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: “Фан ва технологиялар” 2009 106-бет

Графикда нархнинг 350 сўм даражасидаги бозор ҳолати товарлар ортиқча ишлаб чиқарилишини кўрсатади ва тўйинган бозорни ифодалайди. Ақсинча, 150 сўм даражасидаги бозор ҳолатида товар тақчиллиги (дефицит) вужудга келади ва тақчил товар бозорини тавсифлайди.

Мувозанатли нархни тушуниб олиш учун вақт омили катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли бозордаги бир зумлик, қисқа даврли ва узоқ даврли мувозанатлик ҳолатни фарқлаш зарур.

Бир зумлик мувозанат учун тақдим қилинадиган товарларнинг ўзгармас ёки доимий миқдори ҳос. Бу ишлаб чиқаришнинг бозор вазиятига тез, бирданига мослаша олмаслиги билан боғлиқ.

Қисқа даврли мувозанатликни, ишлаб чиқариш ва тақлифни вақтинчалик амал қилувчи омиллардан фойдаланиш асосида кўпайтириш имкониятини тақозо қилади.

Бундай вақтинчалик омилларга иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаш, иш сменасини кўпайтиришлар киради.

Узоқ даврли мувозанатлик ўзгариши узоқ муддатли даврдаги омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бунда ишлаб чиқаришни қайта куруллангириш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга келтириш билан боғлиқ инвестициялар ҳақида гап боради. Бу даврда янги корхоналарни куриш ҳамда мазкур бозорда янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ҳам мумкин бўлади.

Истеъмолчининг товар нархларининг ўзгаришига сезгирлик даражасини аниқлашда нархли эгилувчанлик тушунчасидан фойдаланилади. Айрим маҳсулотлар нархидаги унча сезиларли бўлмаган ўзгаришлар сотиб олинадиган маҳсулот миқдорида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай маҳсулотларга талаб нисбатан эгилувчан дейилади. Бошқа хил маҳсулотлар нархидаги сезиларли ўзгариш харид миқдорида фақат катта бўлмаган ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда нархнинг 1% га ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи

кўрсаткич талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб талабнинг эгилувчанлиги деб аталади.

Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги ($\mathcal{E}_T$) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_T = \frac{\Delta Q}{\Delta P},$$

Бу ерда: ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

ΔP – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Маҳсулотларнинг ўрнини босувчанлиги. Истеъмолчига бирор маҳсулотнинг ўрнини босувчи бошқа маҳсулотлар кўпроқ тавсия қилинса, унга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, соф рақобатли бозорда таклиф қилинадиган маҳсулотларнинг жуда кўп ўрнини босувчилари мавжуд бўлади, шу сабабли ҳар бир алоҳида сотувчи маҳсулотларига талаб бутунлай эгилувчан бўлади.

2. Маҳсулот қиймати (нархи)нинг истеъмолчи даромадидаги салмоғи. Истеъмолчи даромадида маҳсулотлар нархи қанчалик ката ўринни эгалласа, унга талаб шунча юқори эгилувчан бўлади. Масалан, дафтар ёки қалам нархининг 10 фоизга ўсиши бир неча сўмни ташкил қилади ва бу талаб билдирган маҳсулот миқдорида жуда кам ўзгариш бўлишига олиб келади. Шу билан бирга, автомобиль ёки уй нархининг 10 фоизга ўсиши мос равишда 0,5 ёки 1,5 млн. сўмни ташкил қилади. Нархларнинг бундай ошиши жуда кўп оилалар бир неча йиллик даромадининг ката қисмини ташкил қилади ва, айтиш мумкинки, бу сотиб олинadиган маҳсулот миқдорини сезиларли равишда камайтиради.

3. Маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари. Зеб-зийнат буюмларига талаб одатда эгилувчан, ҳаётий зарур буюмларга эса талаб ноэгилувчан ҳисобланади. Масалан, нон ва электр энергияси зарурий истеъмол буюмлари ҳисобланади, шу сабабли улар нархининг ошиши нон ёки электр энергиясини истеъмол

қилишнинг кескин камайишига олиб келмайди. Бошқа томондан зеб-зийнат буюмларига нархлар ошганда уларни осонлик билан истеъмолдан чиқариб ташлаш мумкин.

4. Вақт омили. Қарор қабул қилиш учун вақт оралиғи қанча узоқ бўлса, маҳсулотга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, агар мол гўштининг нархи 10%га кўтарилса, истеъмолчи уни харид қилишни бирданига қисқартирмаслиги мумкин. Лекин бир қанча вақт ўтиши билан у ўзининг мойиллигини товук гўшти ёки балиққа ўтказиши мумкин.

Шунингдек, даромад бўйича талаб эгилувчанлиги ҳам мавжуд. Даромадлар кўпайиши билан товар ва хизматларга бўлган талаб ҳам ошади. Бундан кўринадики, даромад талабга таъсир кўрсатади. Бу таъсир даражасини аниқлаш учун даромад бўйича талаб эгилувчанлиги кўрсаткичидан фойдаланилади.

Истеъмолчи даромадининг 1% га ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг даромад бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\mathcal{E}_T = \frac{\Delta Q}{\Delta D},$$

Бу ерда: ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

ΔD – даромаднинг фоизли ўзгариши.

Таклиф ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда, нархнинг 1%га ўзгариши таклифнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб таклифнинг эгилувчанлиги деб ҳам аталади.

Таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги ($\mathcal{E}_{\text{тф}}$) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:


$$\mathcal{E}_{\text{тф}} = \frac{\Delta Q}{\Delta P},$$

Бу ерда: ΔQ – таклиф миқдорининг фоизли ўзгариши;

ΔP – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Таклиф эгилувчанлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил, маҳсулотга нархнинг мавжуд ўзгаришини ҳисобга олиш учун зарур бўлган вақт оралиғи ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи нархнинг мавжуд ўзгаришига мослашиш учун қанчалик узоқроқ вақтга эга бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми шунчалик катта ўзгаради ва шунга мос равишда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам юқори бўлади. Биз юқорида вақт омилининг жуда қисқа, қисқароқ ва узоқ муддатли даврларидаги таклифнинг ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиб берган эдик. Бу таъсир таклифнинг эгилувчанлигида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Ўтган 2013 йилда мамлакатимизда ислохотлар дастури давом эттирилиб, ундан ўрин олган муҳим чоралар ва тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида мутаносиблик янада мустаҳкамланди, иқтисодиётимиз модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


2 - расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда.

Расмдан кўринадики, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормоқда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиздан, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич кейинги беш йил давомида 8,2 фоиздан юқори бўлмоқда. Албатта, бу ўринда дунёдаги мураккаб вазият – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши, унинг жаҳондаги барча

мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат глобал инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини аҳамиятли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминлади. Шунга кўра, агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi рўй бермаганида Ўзбекистондаги ўсиш суръатлари янада юксакроқ бўларди, дейишга етарли асос бор. Демак, юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистонда талаб ва таклиф мутаносиблиги негизида юзага келганлигини кўриш мумкин.

2013 йил якуни бўйича истеъмол баҳолари индекси асосида ҳисобланадиган инфляция даражаси 2012 йилга нисбатан 0,2 фоиз бандга пасайиб, 6,8 фоизни ташкил этди. Бунда истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди.

Жумладан, ўтган йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 3,9 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,0 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 7,4 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 2,1 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 13,8 фоизга ўсиб, истеъмол баҳолари индексига таъсири 2,6 фоизни ташкил қилди (3-расм)¹¹.



3 -расм. Ўзбекистонда 2013 йилда нархлар ўзгаришининг инфляцияга таъсири, фоиз.

¹¹ 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. - <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

Юқоридагилардан кўринадик, ўтган йилда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги муҳим чоратadbирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги мутаносиблик кучайиб, иқтисодиётимиз модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланишига эришилди.

1-боб юзасидан хулосалар.

Биринчидан, бозор иқтисодиётининг амал қилишида талаб ва таклиф қонунлари муҳим ўрин тутди. Талаб ва таклиф нархни шакллантиради, шу билан бирга нарх талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни аниқлаб беради.

Иккинчидан, талаб – бу пул билан таъминланган эҳтиёждир. Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хоҳиш», «истак» бўлиб қолаверади.

Учинчидан, талабга нархдан ташқари қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади: истеъмолчининг диди; бозордаги истеъмолчилар сони; истеъмолчининг даромадлари; бир-бирига боғлиқ товарларнинг нархи; келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эҳтимоли.

Тўртинчидан, нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товарлар таклифи миқдори ҳам ортади, нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради.

Бешинчидан, таклифга таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат: ресурсларнинг нархи, ишлаб чиқариш технологияси, солиқлар ва субсидиялар даражаси, бошқа товар нархи, нарх ўзгаришининг кутилиши, ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) сони.

Олтинчидан, талаб ва таклиф ўртасида мувозанат юзага келса, бозор мувозанати таъминланади ва бу ҳолат сотувчи ва истеъмолчини қаноатлантиради.

II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Иқтисодий фанларни ўқитишда мақсадларни

аниқлаштиришнинг умумий йўллари

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, энди ўқитиш натижаси ҳақидаги умумий тасаввурдан аниқ эталонга, уни ўқувчи томонидан ўзлаштириб олинганлиги мезони устида тўхтаймиз. Ўқитиш натижаси ҳақидаги умумий тасаввурдан аниқ эталонга ўтишга қўйиладиган умумий талаб-ўқувчи ўқиш жараёнида ўзлаштириши мумкин бўлган, яъни у эришган мақсаднинг белгиларини баён қилишдан иборатдир.

Мақсадларни аниқлаштиришнинг умумий қоидаси (кабул)-аниқ натижага эга бўлган ҳаракатни кўрсатувчи феълни баён қилишни қўллашдир. [28]

“Ўқувчи китоб ўқиганда танқидий фикр юргизиш малакасини қўллайди” умумий мақсади қўйидагича аниқлаштирилиши мумкин. Ўқувчи: 1) фактик маълумотлар ва фикрлар мулоҳазалар ўртасидаги фарқни ўтказади; 2) фактлар ва тахминлар ўртасидаги фарқни ўтказади; 3) сабаб-оқибат алоқаларини ажратади; 4) мулоҳазалардан хатоларни ажратади; 5) муҳим далилларни ишга алоқаси бўлмаганлардан ажратади; 6) асосланган ва асосланмаган фикрларни чегаралайди; 7) матн асосида асосланган хулосани ифодалайди; 8) хулосаларни ҳаққонийлигини асослаб берувчи шарт-шароитларни кўрсатади.

Мақсадни аниқлаштириш бўйича ушбу мисол уни абсолют қайта тикланадиган, кўзатиладиган ҳаракатларга ёйишга имкон бермайди. Ҳар бир ўқитувчи юқорида кўрсатилган белгиларнинг мавжудлиги ҳақида ўзининг тажрибасидан, фикрлаш маданиятидан келиб чиққан ҳолда мулоҳаза юритмоғи даркор.

Энди умумий ўқув мақсадларни таърифлаш учун феълларнинг тахминий руйхатини келтирамиз: таҳлил қилмоқ, ҳисобламоқ, айтмоқ (билдирмоқ), намоёйиш қилмоқ, билмоқ, шарҳ (изоҳ)ламоқ, қўлламоқ, баҳоламоқ, тушунмоқ, қайта қурмоқ (ўзгартирмоқ), фойдаланмоқ, яратмоқ.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлар учун феъллар рўйхатини бир неча мақсад турлари бўйича келтирамиз. [33, 35]

1. **“Ижодий” типдаги** мақсад (қидирув ҳаракат)ларни белгилаш учун феъллар: турлан (ўзгартир)моқ; шаклга келтирмоқ; янгидан гуруҳларга ажратмоқ; қайтадан қурмоқ, олдиндан айтмоқ, масалани қўймоқ, қайта ташкил қилмоқ, синтезламоқ (умумлаштирмоқ), тизимлаштирмоқ, соддалаштирмоқ.

2. **Оғзаки ва ёзма нутқ соҳасидаги мақсадлар**ни белгилаш учун феъллар; ажратмоқ, сўз шаклида ифодаламоқ, ёзмоқ, белгиламоқ, яқунламоқ, қайд қилмоқ, декламация қилмоқ, талаффуз қилмоқ (айтмоқ), ўқимоқ, бўғинларга ажратмоқ, ҳикоя қилмоқ.

3. **Шахслараро муносабатлар соҳасидаги мақсадлар**ни белгилаш учун феъллар: мулоқотга кирмоқ, фикрни ифодаламоқ, рози (норози)лигини билдирмоқ, кечирим (узр) сўрамоқ, жавоб бермоқ, ташаккур (раҳмат) айтмоқ, ёрдам кўрсатмоқ, таклиф қилмоқ, қўшилмоқ, ҳамкорлик қилмоқ, илжайиб қўймоқ (кулимсирамоқ), иштирок этмоқ.

Худди юқорида кўрсатилганидек бошқа соҳаларда (умумий мантикий операциялар, умумий ўқув фаолиятлар, математика, табиатшуностлик, мусиқа, ҳаракат соҳаси ва ҳ.к.) да ҳам аниқ ўқув мақсадларни ифодалаш учун феъллар рўйхатини ишлаб чиқиш мумкин.

Биз юқорида умумлашган умумтаълим мақсадларидан умумий ўқув мақсадаларга ва улардан аниқлаштирилган мақсадларга ўтишни баён қилдик. Баъзи мақсадни бундан кейин аниқлаштиришга эҳтиёж бўлмайди ёки уни жуда соддалаштирмасдан туриб амалга ошириб бўламайди (юқори мураккабли мақсад). Ўқув мақсадни қўшимча равишда аниқлаштиришга эҳтиёж туғилганда уни учунчи босқичдаги деталлаштиришга ўтиш зарур.

Қўйидаги “Ёзма матннинг аҳамиятини тушунмоқ” мақсадни аниқлаштиришнинг учунчи босқичига мисолни келтирамиз. 4-расмда “Ёзма матннинг аҳамиятини тушунмоқ” 14 феъл ёрдамида уч босқичда жойлашган “Мақсадлар шажараси” ни тузиш кўрсатилган. Мақсадларни шу тариқа “ёйиш” имкониятига эга бўлатуриб аниқ ўқув масалани ўрганиш натижасини текшириш

учун зарур миқдордаги тест топшириқларини ишлаб чиқиш қийинчилик туғдирмаслигини таъкидлаш зарур.

Мазкур жадвални хусусий ўқув мақсадлар катологи (бизнинг мисолимизда-идентификацияланадиган ўқув мақсадлар), деб қараш мумкин.

Қуйида мазкур катологни матн шаклида келтирамиз.

1. Ёзма матннинг аҳамиятини тушунмоқ.

1.1. Матндаги парча мазмунида очикдан-очик кўриниб турган маълумотларни ажратмоқ.

1.1.1. Аниқ детал (ном, сана, воқеа ва ҳ.к.)ларни алоҳида кўрсатмоқ, таъкидламоқ.

1.1.2. Мазмунни тўлиқ ифодаловчи фикр, мулоҳазаларни танламоқ.

1.1.3. Мазмунни асосий ғоясини тасдиқловчи фактларни санаб чиқмоқ.

1.2. Мазмуннинг бош ғоясини ажратмоқ.

1.2.1 Бош ғояни ифодаловчи гапни намоён қилмоқ.

1.2.2. Мазмунга сарлавҳа қўймоқ (танламоқ).

1.3. Мазмунда баён қилинган фикрларни якунламоқ.

1.3.1. Мазмунни матн (конспект) тарзида баён қилмоқ.

1.4.Очикдан-очик ёритилмаган ғоялар, муносабатларни мазмундан ташқарига чиқармоқ.

1.4.1. Мазмунда айтилмаган бўлсада, кўзда тутилган фикр, фаолият, воқеа, ходисаларнинг номларини айтмоқ.

1.4.2. Мазмунда баён қилинган фаолият ёки ходисаларни уларнинг энг кўп эҳтимол билан содир бўлиш кетма-кетлигида ёзиб чиқмоқ.

1.4.3. Мазмунда баён қилинган ҳаракат ёки воқеаларнинг энг кўп эҳтимол билан содир бўладиган оқибатларини танламоқ.

1.4.4. Мазкур мазмунда келтирилган ғоя, ходиса, предметларни бир-бирлари билан нима боғлаб ва бирлаштириб туришини тушунтирмоқ.

Ёзма матннинг аҳамиятини тушунмоқ

Матн мазмунида очикдан-очик кўриниб турган маълумотларни ажратмоқ.	Мазмуннинг бош ғоясини ажратмоқ.	Мазмунда баён қилинган фикрларни яқунламоқ.	мазмунда очикдан-очик ёритилмаган ғоялар, муносабатларни намоён қилмоқ.
Айрим детал (ном, сана, воқеа ва ҳ.к.) ларни алоҳида кўрсатмоқ, таъкидламоқ	Бош ғояни ифодаловчи гапни намоён қилмоқ.	Мазмунни конспект тарзида баён қилмоқ.	Мазмунда айтилмаган бўлсада кўзда тутилган фикр, фаолит, воқеа, ходисаларнинг номларини айтмоқ.
Мазмунини тўлиқ ифодаловчи фикр, мулоҳазаларни танламоқ.	Мазмунга сарлавҳа қўймоқ (танламоқ)		Мазмунда баён қилинган фаолият ёки ходисаларни уларнинг энг кўп эҳтимол билан содир бўлиши кетма-кетлигини ёзиб чиқмоқ.
Мазмуннинг асосий ғоясини тасдиқловчи фактларни санаб чиқмоқ.			Мазкур мазмунда келтирилган ғоя, ходиса, предметларнинг бир-бирлари билан нима боғлаб ва бирлаштириб турганини тушунтирмоқ.

4 -расм. Ёзма матннинг аҳамиятини тушунтирмоқ.

Бу ерда шуни яна бир марта таъкидлаш керакки, ижодий характердаги мақсадларга мурожаат қилишимиз биланоқ уларнинг белги (аниқ ўқув натижа)ларини тўлиғича объектив баён қилиш имконияти пасаяди. Ўқитувчининг баҳоси “эксперт”, кўп жихатдан интуитив бўлади ва унинг шахсий маданий даражасига, ижодий тафаккур қилиш қобилиятига кучли боғлиқ бўлиб қолади. Шу боис ўқув мақсадларини қўйишни “кескин (қаттиқ)”

характери бир мунча “юмшателиши” зарур ва ижодий типдаги мақсадларни баён қилишда маълум даражада ноаниқликни содир бўлиши билан мураса қилишга йўл қўйиш мумкин. Эталон-мақсадни баён қилишда юқори аниқликка эришиш бўйича интилиш анчагина расман талабларни олға суришга олиб келади. [45]

Педагогик технология тажрибасига бўлган муносабатимизда: ёки ўқув мақсадларини баён қилишда ва уларни кейинчалик баҳолашда стандартлаш имкониятига тўлиқ таянишимиз ва ўқитишни репродуктив рамкаси билан чегаралашни, ёки таълимда кидирув характерини сақлаган ҳолда мақсадларни баён қилишда ва таълим натижаларни баҳолашда маълум даражадаги ноаниқлик билан мураса қилишни танлашимиз зарур. Бизнинг фикримизча, иккинчи йўлни танлашимиз ва мақсадларни оқилона чегарадаги “қатъийлик” билан аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув мақсадларга эришганлик ҳақида фикр юритмоқ учун баҳолаш усулини белгилаш керак: таълимнинг айрим натижаларини бевосита кузатиш мумкин, бошқалари эса маълум усуллар (масалан, муносабатларни аниқлаш учун сўровнома, масала ечиш учун стандартлашган тестлар, ижодий топшириқларни бажариш)ни қўллашни талаб қилади. [33]

Шу боисдан ҳам диагностик мақсаднинг қўйидаги тўрт компонентли тузилмасини таклиф қилмоқдалар. Улар ўқувчилар эришган натижаларнинг эталони сифатида намоён бўлади:

1) ташқи шарт-шароитларнинг характеристикаси; 2) фаолиятнинг кутиладиган натижалари (ёки кўзатиладиган ҳаракатлар); 3) уларнинг эталон белгилари (мезонлари); 4) баҳолаш (улчаш) методи.

Мазкур эталоннинг расман ёзиш жадвал кўринишини олади.

Қўйидаги ташқи шароитларда	Ўқувчи қўйидаги натижаларни намоёниш қилади	Қўйидаги талабларга мос равишда	Баҳолаш усули


Ижодий ўқув фаолият мақсадлари учун эталонларни шакллантиришдаги ноаниқлик – бу атиги ходиасанинг ўзидаги зиддиятларни ошкора суратда, рўйроқ намоён бўлиши асосий мазмуни қийин стандартлаштириладиган натижаларни эксперт баҳолаш билан боғлангандир. Ушбу ҳолда мақсадларни аниқлаштиришнинг технологик процедураси мазкур зиддиятни намоён қилишга ёрдам беради, у ўқитувчининг ўйлаш, мулоҳаза қилиш предметиға айланишиға, уни баҳолашда ўқитувчиға ўзининг ёндашувини чуқурроқ англашға кўмаклашади.

Ҳамкор бўлиб, гуруҳ (ўқитувчи, методист ва предмет бўйича мутахассислар биргаликда) бўлиб ишлаш ҳам мумкин. Бироқ ўқув мақсадларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаб чиқиш амалиёти шундан далолат берадики, ишлаб чиқиладиган барча таърифлар атрофида узокдан-узок дебат, баҳслар ва ҳ.к. бўлиб, улар ўзини оқламаган ҳолда жуда кўп вақтни олади.

Фарберман Б.Л.¹² таъкидлаганидек, тест топшириқларини ишлаб чиқишни учта параллел йўллари мавжуд. Улар қўйидагилардан иборат:

- вазифаларға асосланган йўл (идентификацияланадиган ўқув мақсадлар);
- Б.Блум таксономиясига асосланган йўл;
- идентификацияланадиган ўқув мақсадға ўтиладиган Б.Блум таксономиясига асосланган йўл.

¹² Толипов Ў., Усманбоева Ў. Педагогик технология: назария ва амалиёт. –Т: “Фан”, 2005. 43-бет



6 -расм¹⁴. Хусусий ўқув мақсадлар каталогини ишлаб чиқиш.

Ўқувчи жавоб бера олмаган саволларни мустақил равишда (зарурият туғилганда ўқитувчининг маслаҳати, ёрдамида) унга тақдим этилган альтернатив ўқув материал (ўқув қўлланма, видеоматериал, лаборатория ишига раҳбарлик)лардан фойдаланиб қайта ўрганиб чиқади.

Ана шундай тестнинг намунаси 3-жадвалда келтирилган. Бу ерда тестнинг машина ишлатилмайдиган варианты берилган. Ўз-ўзидан равшанки, тестлаш, ўқувчига йўл-йўриқ бериш ҳамда у жавоб бераолмаган саволлар бўйича мустақил ўқиш учун альтернатив материалларни бериш автоматлаштирилган усул-компьютер ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин.

¹⁴ Толипов Ў., Усманбоева Ў. Педагогик технология: назария ва амалиёт. –Т: “Фан”, 2005. 45-бет

Текширув иши (жавоблар бланкаси)	
Ф.И. _____ _____ Сана _____ Тест № _____ Ҳар бир саволга берган жавобингизни айлана ичига олинг. Ўзингизни ўзингиз текширгандан сўнг тўғри жавобларингизни белгиланг (+ қўйиб чиқинг).	Мазкур тест ўқиш жараёнида сизда тўғиладиган қийинчиликларни кўзда тутиб ишлашингизга ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган. Тест натижалари якуний баҳони чиқаришда ҳисобга олинмайди. Бу ерда қайта ишлашингиз зарур бўлган саволларни тушунтирадиган ўқув материаллари рўйхати келтирилади. Сиз тўғри жавоб топаолмаган ҳар бир савол учун қўлланмадан кўрсатмани топинг. Зарур материални қайта ишлашда сиз уларга мурожаат қилишингиз мумкин.

№	Танланган жавоблар варианти	Тўғри жавоб (+)	Ўқув қўлланмалар:	
			1.....	2.....
1.	А В С Д Е		бет	бет
2.	А В С Д Е		бет	бет
3.	А В С Д Е		бет	бет

Ўқув мақсадларни таҳлил қилиш ва тартибга солишга куч сарф қилиш бутун ўқув жараёнига сингдирилган-режалаштириш, назорат ва баҳолаш каби ўқитувчи ишининг муҳим моментларини қамраб олганлиги билан ўзини оқлайди. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларининг ифодаланиш характеридан, жумладан, кўринадики, уларни назорат (тест) топшириқларини тайёрлаш учун асос сифатида бевосита қўллаш мумкин.

Мақсадларни тест топшириқларига ўтказиш¹⁵

Ҳаракатни ифодаловчи феъл	Аниқ ҳаракатлар турлари	Тест топшириқларига мисоллар
Чегаралаш ўтказмоқ	Объект ёки ходисаларнинг алоҳидалигини кўрсатмоқ, бел- гиламоқ, гуруҳламоқ.	“Қўйидаги мулоҳазалар- дан қайсилари фактларни (Ф ҳарфи билан белги- ланг), қайсилари мулоҳа- заларни (М ҳарфи билан белгиланг)ифодалашини кўрсатинг”
Таъриф бермоқ.	Аниқ аҳамиятини ёки муҳим характеристикасини ифодалашни оғзаки ёки ёзма сўз билан баён қилмоқ.	“Қўйидаги терминлар- нинг ҳар бирига таъриф беринг”
Баён қилмоқ	Асосий хусусият, сифат ва ўзаро алоқаларнинг характе- ристикаларини акс эттирил- ганини оғзаки ёки ёзма сўз билан баён қилишни тақдим этмоқ.	“Ҳавонинг нисбий нам- лигини улчаш тартибини баён қилинг”
Лойиҳаламоқ	Тасвирламоқ, қилмоқ, йиғмоқ, тузмоқ, тайёрламоқ.	Тақдим этилган маълум- отларни акс эттирувчи диаграммани тузинг.

Технологик жиҳатдан тузилган ўқув жараёни дастурли таълимдан бутун таълим жараёни давомида тестдан сурункасига фойдаланишни мерос қилиб олди. Энг кўп тарқалган тест топшириқларининг шакллари – тест саволларига жавоб танлаш (4-5 вариант тест жовобларидан фақат биттасини танлаш) ёки

¹⁵ Ж.Йўлдошев, С.Хасанов. Педагогик технологиялар. –Т: “Иқтисод-молия” 2009. 152-бет

жавобни лойиҳалаш (жавобни ўқувчиларнинг ўзлари томонидан тузиш) ҳисобланади.

2.2. Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида иқтисодий фанларни ўқитишнинг инновацион технологиялари таҳлили

Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг янги авлодини бажаришда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқитишнинг қуйидаги педагогик технологияларини қўлланиш тавсия этилмоқда. Хусусан бу педагогик технологиялар Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида ҳам иқтисодий таълим жараёнларида фойдаланилмоқда: 1) ўқитишнинг креатив технологияси; 2) лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологияси; 3) муаммоли ўқитиш технологияси; 4) ўқитишнинг ишбилармонлик ўйинлари технологияси; 5) ўқитишнинг информацион ва телекоммуникацион технологиялари; 6) автоматлаштирилган ўқитиш тизими; 7) дастурланадиган ўқитиш технологияси. [33]

Ўқитишдаги инновацион технологиялар – бу талабаларнинг *тизимли ижодий фикрлашини* ва ижодий масалаларни ечишда ностандарт ғоя-фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган технологиялардир.

Инновацион ўқитишнинг пировард натижаси қуйидагилардан иборат:

- талабада бошқа кўпчилик одамлар учун кўринмайдиган нарсани кўриш қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш;

- талабанинг кўрганини, янги нарса яратиш нуқтаи назаридан, таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш. Бунда фақат янгилик эмас, балки муаммо ёки масалани самарали ҳал этиш мақсади қўйилади.

Инновация – бу янги технологияларга, ноу-хау, янги ишлаб чиқариш омилларига тадбиқ этилган янги билимлардан фойдаланиш (ёки маълум билимлардан янгича фойдаланиш) йўли билан янги ихтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракат ёки бундай ҳаракат натижаси (ёки эски ихтиёжни анча самарали қондиришнинг янги йўлини таклиф этиш). Инновация мақсади – юқори джаражада бозорбоп янги маҳсулот ёки хизматларни олишдан *иборат*.

Ўқитишдаги инновацион технологиялар учта мақсадни кўзда тутлади:

- талабанинг шахсий-интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш;
- талабанинг илмий тадқиқотлар кўникмаларини эгаллаши ва бунга мос фикрлаш тарзини пайдо қилиш;
- ижтимоий-иқтисодий ва касб доираларида янгиликлар киритиш методологияларини билиш.

Биринчи мақсад давлат таълим стандартларида кўрсатилган ижтимоий-гуманитар, математик ва табиий фанларни ўқитиш йўли билан таъминланади.

Бунда барча фанлар талабаларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини, ўз фикрини оғзаки ва ёзма ифодалаш маҳоратини ривожлантиришга қаратилган мос ўқитиш технологияларидан фойдаланилади.

Иккинчи мақсад илмий-тадқиқот кўникмаларини эгаллашдан иборат бўлиб, бунга фундаментал умумқасбий фанларни ўрганишда эришилади. Бу фанлар ижодий фикрлашни таъминлайдиган ва билиш жараёнини фаоллаштирадиган ўқитишнинг креатив технологияси, муаммоли ўқитиш технологияси ва б. ни қўлланиб ўқитилади.

Учинчи мақсад инновацион фикрлашни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунга талабалар махсус фанларни танқидий фикрлашни ривожлантирувчи ўқитиш технологиялари асосида ўрганиши орқали эришилади.

Таълимнинг инновационлигини аниқловчи муҳим омиллардан бири таълим дастурларидир. Таълим дастурларининг инновационликка таъсири қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- таркиби, мазмуни ва муаммолиги;
- нафақат тушунишни, балки маҳоратни ҳам таъминлайдиган мўлжал;
- расмий ва норасмий таълимни қўшиш;
- кўп вариантлилиқ, альтернативлиқ (муқобиллиқ) ва кўп аспектлилиқ;
- истиқболлиқ;
- таълим дастурсини бажарувчилар таркиби.

Инновацион таълим дастурлари талабаларда қуйидаги:

- мавжуд бўлганларини янгича кўриш ва бунинг асосида янги ечимларни таклиф этиш;

- ривожланган тасаввурни ва тасаввур ҳамда образларни фаолиятнинг бир соҳасидан бошқасига кўчириш;

- танланган фаолият соҳасида янги ўринларни эгаллаш ниятида фаросатли таваккаллик;

- ижодий фаолият методларидан фойдаланиш қобилиятларини ривожлантириши лозим.

Таълимнинг инновационлигини тавсифловчи бошқа муҳим омил инновацион динамикадир. Бу, жараённинг босқичларини, бошланғич илмий билимларни натижаловчи маҳсулотга (товар ёки хизматларга) айлантириш метод ва усуллари ифодалайди.

Таълимнинг инновационлиги нафақат унинг дидактик тузилишига, балки ижтимоий муҳим натижаларга – ўқитувчининг психологик сиймосига ҳам тегишлидир.

Инсон фойдаланадиган технологияларнинг икки тури: саноат ва ижтимоий технологиялар бор. Саноат технологиялари табиий хомашёларни ёки улардан олинган яриммаҳсулот-ларни қайта ишлаб ёки тайёр маҳсулотга айлантириб белгиланган параметрларга эга тайёр маҳсулотга айлантиришни таъминлайди.

Ижтимоий технологиялар инсон билан иш кўради, унинг бир ёки бир неча хусу-сиятларини ўзгартиради, масалан, бирор мутахассисликка ўқитади.

Ижтимоий технологиялар – олдиндан аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун турли даражада ва кетма-кетликда фойдаланиладиган турли-туман тадбирлар, усуллар ва воситаларнинг махсус ташкил этилган мажмуидир.

Бундай технологиялар саноат технологияларидан фарқли ўлароқ, шароитларга мосланувчан бўлиб, унчалик қаттиқ чекли аниқлаб берилмайди. Ижтимоий технологияларда акс (тескари) боғланиш усули муҳим роль ўйнайди. Бунда акс боғланиш содир бўлган муаммоларни (ёки ижтимоий жараёнлардаги оғишларни) ўз вақтида топиш ва ҳал этиш учун зарур. Ижтимоий технологияларга ўқитиш технологияларининг катта гуруҳи киради. Булар

илмий-педагогик билимларнинг замонавий даражасига, ўқитишнинг самарали методларига, шунингдек ўқитишда зарур бўлган техник воситаларга таянган ҳолда олдиндан белгиланган ўқитиш мақсадларига эришишни кафолатлаши лозим. Табиийки, ўқитиш технологиялари ўқитиш сифатини текшириш механизми ва методлари билан таъминланган бўлиши лозим. [28, 35, 37]

Ўқитишнинг креатив технологияси – ўқувчининг ижодий фикрлашини узлуксиз шакллантириб боровчи ва қобилиятини ривожлантирувчи технологиядир. Унинг мақсади – инсонда ижодкорликни уйғотиш ва унинг ўзида бор бўлган ижодий имконият (потенциал) ни ривожлантиришдир. Ўқитишнинг креатив технологияси бажарилганда шахс ижодкорлик объекти даражасидан ижодкор субъектга ўтказилади, ўқув материали ўзлаштириш фанидан бирон ижодкорлик, яратувчанлик мақсадига эришиш воситасига айланади. Креатив технология янги керакли билим олиш, яратиш ва ишлаб чиқаришга қаратилган. Бунда талаба билимларни ўзининг хусусий интеллектуал маҳсулотини (компьютер дастурларини, ихтиролар, тадқиқотлар ва б.) ўқитувчи раҳбарлигида яратиш жараёнида олади.

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш учун қуйидагилар зарур бўлади:

- ўқитиш, билим-таълим бериш жараёнининг бутунлигини, унинг бундан аввал берилган таълим билан узвий кетма-кетлигини таъминлаш. Бунда вертикал бўйича умумлаштирилган курслардан фойдаланилади.

- талабаларнинг ижодий масалаларни ечиш бўйича излаш, билиш фаолиятини барча ёки, ҳеч бўлмаса, кўпчилик аудитория дарсларида ўқув жараёнига киритиш;

- ўқув бўлинмаларида ва умуман таълим муассасида узлуксиз ижодий ўқитиш муҳитини яратиш;

- таълимга нисбатан янги менталитетни шакллантириш: таълим билимларни нафақат олади ва нусҳасини кўпайтиради, балки, энг асосийси, янги билим-маълумотларни яратади;

- тизимли фикрлашни, ностандарт ғояларни яратиш ва оригинал ечимларни қабул қилиш қобилятини ривожлантирувчи метод сифатида тизимли ва дастур-алгоритмик ёндошишдан фойдаланиш;

- техника-технологияга оид тизимли фикрлашни шакллантириш ва яратувчанлик қобилятларни ривожлантириш жараёнларини, шунингдек тегишли мативацион соҳани аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда бошқариш;

- шахснинг тизимли фикрлаши, интеллектуал фаоллиги ва коммуникативлик (ўзаро фикр алмашинувчанлик, боғланувчанлик) сифатларини ривожлантиришда «ижодий гуруҳларнинг» ташкилий шаклидан кўп функцияли дидактик восита сифатида фойдаланиш;

- малака тавсифининг бирор қисмини таъминловчи умумлаштирилган (горизонтал бўйича интеграция қилинган) фанлар ҳисобига, шунингдек назарий ўқитишни малакавий амалиёт билан узвий бирлаштириш йўли билан касбий қизиқишни ривожлантириш.

Талабалар олган қўйидаги қобилятлар уларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш самарасини баҳолаш мезонлари бўлади:

- тадқиқот объектини фикран ёки амалда таркибий қисмларга ажратиб, тизимли таҳлил қилиш (мазкур ҳолатда объектни ташкил этган алоҳида элементларнинг моҳияти, уларнинг боғланишлари ва ўзаро таъсирлари ўрганилади);

- ахборот ҳажми етарли бўлмагани ҳолда ноаниқ муаммоли вазиятдан масалаларни белгилаб олиш ва тўғри изоҳлаш;

- ҳал этиладиган муаммо бўйича илмий-техник ахборотни аниқ мақсад йўналишида излаш;

- ностандарт оригинал ғояларни яратиш ва гипотезаларни олдинга суриш;

- мумкин бўлган барча вариантларни ҳар томонлама объектив баҳолаш асосида улар ичидан рационал (мақбул) ечимни аниқ мақсадли излаш;

- тизимли тадқиқ натижалари бўйича хулоса ва таклифларни бир маъноли ифода-лаш;

- тадқиқот объектларининг ривожланишини башорат этиш;

- муаммони ечишда юзага келадиган (маъмурий, техникавий, физик ва зиддиятларни ностантарт топиш, шакллантириш ва ҳал этиш;

- хусусий фикрлашидаги инерцияни енгиб, хилма-хил фикрлаш.

Ўқитиш креатив технологияда – бу нафақат ўқув, балки маҳсулли фаолиятдир, бу нафақат билимларни олиш, балки янгиларини яратиш ҳамдир. Мазкур технология лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологиясига яқин. Креатив технологияда лойиҳа ўқитиш методи сифатида бўлиши билан бирга нафақат ўқув, балки ҳаётий маънога ҳам эга.

Ўқитишнинг креатив технологияси айниқса кадрларни интеграллаштирилган курслар асосида касбий таёрлашда самарали бўлади. Бундан кадрларни ижтимоий-гуманитар, математик ва табиий фанлар бўйича тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологияси. Лойиҳалар методи бугун ривожлантирувчи ўқитиш технологияси сифатида қўлланилмоқда. Унинг мақсади талабанинг ижтимоий-маданий муҳитда лойиҳалаш фаолиятига фаол киришиши учун ўзининг мавжуд билимларини фаоллаштиришига ва янгиларини (баъзан, мустақил таълим йўли билан) олишига йўналтирилган [12; 13; 14]. Бу технологиядан кўпинча, ўқитишнинг бошқа технологияларга (масалан, ўқитишнинг креатив технологиясига қ.) қўшимча равишда фойдаланилади. Лойиҳа, ўқитиш методи сифатида кўпчилик ҳолларда фанлараро характерга эга. Шунинг учун уни интеграллаштирилган курсларни ўрганишда қўлланиш кўпроқ мақсадга мувофиқ келади. Лойиҳалар индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин.

Талабалар ва ўқитувчининг лойиҳа устида кўрсатадиган фаолиятида маълум структура (кетма-кетлик ва мантикий тузилиш) бўлади. [33, 37]

1- босқич – лойиҳани тайёрлаш: лойиҳа мавзуси ва мақсади аниқланади; талабалар ўқитувчи билан биргаликда лойиҳани муҳокама қилади ва консультация (лойиҳани бажаришга оид йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида бериладиган маслаҳат, ёрдам, ўтқазиладиган суҳбат ва машғулот) олади; ўқитувчи лойиҳани бажариш истиқболларини очиқ беради, мақсадларини тушунтиради ва маслаҳат беради.

2 - босқич – режалаш: ахборот манбаларини, ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари, ҳисобот шакллари, натижа ва жараёни баҳолаш мезонларини аниқлаш, вазифаларни тақсимлаш (лойиҳани гуруҳ билан бажаришда) талабалар иш режасини ишлаб чиқади ва вазифаларни аниқ ифодалаб таърифлайди, ўқитувчи эса режа ва вазифаларга тузатишлар киритади, ўз фикрини таклиф этади, натижани олдиндан башорат қилишга ёрдам беради.

3-босқич – тадқиқот; ахборот тўплаш, қўйилган масалаларни ечиш; талабалар тадқиқот ўтказиб, оралиқ ва сўнги вазифаларни ҳал этади, ўқитувчи эса бу ишларни кузатиб боради, зарур бўлганда ёрдам ва маслаҳат беради. Ахборот манбаи сифатида интервью, сўроқ, кузатиш, тажриба, маълумотнома адабиётлар билан ишлаш ва б. дан фойдаланилади.

4-босқич – тадқиқот натижаларини умумлаштириш: ахборотни таҳлил қилиш, хулосалар ва таклифларнинг мантиқий тузилиш шаклини белгилаш ва ифодалаш; ўқитувчи маслаҳат беради.

5-босқич – ҳисобот (натижаларни топшириш): оғзаки маъруза, реферат, курс иши ёки лойиҳаси, стендга қўйиладиган материал, ёзма ҳисобот, китоб, рисола ва ҳ.к.

Талабалар ҳисобот беради, доклад қилади, ўқитувчи эса талабалар билан баб-баравар ва экспертлар билан биргаликда эшитади, саволлар беради ва тўғрилайди.

6-босқич – натижалар ва жараёни (лойиҳанинг тугалланганлигини) баҳолаш: талабалар лойиҳа қатнашчиларининг (баъзан, ўзининг ҳам) рейтингини баҳолаш ва аниқлашда қатнашади; ўқитувчи талабалар ва экспертнинг ишини баҳолайди, бунда лойиҳа қатнашчиларининг фикрини назарга олади, кейинги тадқиқотларни бажариш учун далиллар келтиради.

Информацион технологиялар даврида телекоммуникацион лойиҳалар энг истиқболли бўлади. Бундай лойиҳалар: тадқиқот шаклида; ижодий; информацион; амалиётга қаратилган; табиий фанлар; ўқув ўйинлари ва б. бўлиши мумкин. Телекоммуникацион лойиҳаларни амалда қўлланиш шакли телеконференциялар, қатнашчиларнинг «ком-пьютер-компьютер» ёрдамида

телекоммуникацион синхрон алоқа орқали ёзишмалари ва ҳ.к. дан иборат. Лойиҳалар ёки телекоммуникацион лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологияси:

- кадрларни амалиётга ва шахсий имкониятларига қаратиб тайёрлашни кучайтиради;

- талабаларнинг ўзидаги шахсий имкониятларидан амалда қандай фойдаланаётганлигини ва сардорлик сифатларини намоён этаётганлигини билишга имкон беради.

Муаммоли ўқитиш технологияси – бу ривожлантирувчи ўқитиш технологияси бўлиб, фаол билим орттириш жараёнини рағбатлантиради ва фикрлашнинг мантикий кетма-кетлик стилини шакллантиради. Бу технология олий мактабда энг самарали технологиялардан бири ҳисобланади. Муаммоли ўқитиш моҳияти ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқишида муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва ўқув (яхшиси, ҳаётий) масалалар, муаммолар ва саволларни ечиш йўли билан янги билимларни ўзлаштириш фаолиятини бошқаришдан иборат.

Муаммоли вазият ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан фанларни ўқитишдаги мантикий кетма-кетликка ўхшайди. Кетма-кетлик тамойили шундан иборатки, бунда таълимнинг даражаси жиҳатдан юқори ҳар бир босқичида ўқитиш мазмунини аниқлашда аввалги босқичларда ўзлаштирилган билимлар, яъни таълим ҳисобга олинади. Ҳудди шу каби, агар вазиятдаги янги билим аввалги билим билан боғланган бўлса, у муаммоли вазият деб ҳисобланади.

Муаммоли вазият – бу билим олиш мақсадида махсус яратилган ақлий фаолият ҳолатидир. Бундай вазият заминида илгари ўзлаштирилган билимларнинг хотирада қолганлиги ва янги содир бўлган масалани ечиш учун ақлий ёки амалий ишлаш усули ётади.

Муаммоли вазият аломатлари: талабалар учун номаълумликнинг мавжудлиги; номаълумликни ҳал этишга қаратилган кўрсатма; билимнинг етишмовчилиги туфайли содир бўлган қийинчиликни ҳал этишда «шахсий манфаатдорлик»

Демак, муаммоли вазият биронта масалани ечишда аввал ўзлаштирилган билимлар камчилик қилиб, янгиларини олиш керак бўлганда юзага келади.

Муаммоли ўқитишда аввал вазиятли масала .ёки топшириқлар пайдо бўлади, шундан сўнг ўқув муаммоси шакллантирилади. Ўқув муаммосининг асосий белгилари: номаълумликнинг мавжудлиги, бу номаълумликни топиш янги билимларнинг шаклланишига олиб келади; номаълумликни топиш мақсадида (хотираси, ўқув ва илмий-техник адабиётлардан) излаш учун талабаларда маълум даражада билимлар захираси бўлиши лозим.

Кейин талабалар муаммони ечиш усулини кидиради, бунинг учун турли таклиф-ларни билдиради, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни таҳлил этиш, умумлаштириш асосида улардан биттаси тўғри, деб топилиб, гипотеза тарзида қабул қилинади ва исботланади. Излаш муаммонинг ечимини текшириш билан тугалланади.

Билиш, излаш фаолияти қуйидаги босқичлардан иборат: 1. Муаммоли вазият. 2. Ўқув муаммоси. 3. Муаммонинг ечимини излаш. 4. Муаммони ечиш ва уни текшириш.

Ўқитувчи муаммоли ўқитиш шароитларида дарсларни ташкил этиш ва ўтказишда талабаларга тайёр ҳақиқат ва ечимларни бермаслиги лозим. Ўқитувчи:

- талабаларнинг излаш фаолиятини керакли йўналишда ривожлантириши лозим;

- талабаларга улар, ҳам дарсларда, ҳам кундалик амалиётида оладиган маълумотларини, учратадиган воқеалар, фактлар ва ҳодисаларни ўз онгида қайта идрок этишига ёрдам беради.

Муаммоли ўқитиш технологиясининг асосий вазифаси – талабаларнинг билимлар тизимини ва ақлий фаолият усуллари самарали ўзлаштиришларига ёрдам бериш, уларда олган билимларни янги вазиятларда ижодий қўллана олиш, ўқув муаммоларини ечиш кўникмаларини ҳосил қилиш, мустақил билим орттириш қобилиятларини сингдиришдан иборат.

Муаммоли ўқитишда муаммонинг мураккаблигига, талабаларнинг билим ва маҳоратлари даражаси, вазият ва ечимларни излаш кўникмалари, дидактик зарурлигига қараб, ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги ўзаро ҳаракатлар уч даражада бўлади:

- **биринчи даража** – ўқитувчининг ўзи муаммони қўяди, уни ифодалайди ва талаб-баларни муаммоли вазиятни ечиш йўллари мустақил излашга қаратади;

- **иккинчи даража** – ўқитувчи муаммоли вазиятни фақат яратади, талабалар эса муаммони мустақил равишда ифодалайди ва уни ҳал этади;

- **учинчи даража** – ўқитувчи талабаларни муаммоли вазиятга фақат «келтиради», уларни мустақил излаш, кидириш фаолиятига йўналтиради, бу фаолиятга раҳбарлик қилади ва натижаларни баҳолайди, талабалар эса муаммони мустақил равишда англаб тушуниб олади, уни ифодалайди ва ечиш йўллари қидиради.

Ўқув муаммоларини қўйиш жараёнини енгиллаштириш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

- муаммони ечиш йўли билан ўзлаштириладиган янги билимлар билан бевосита боғлиқ бўлган, илгари ўзлаштирилган билимларни юзага чиқармасдан туриб, муаммони қўйиш мумкин эмас;

- муаммоли топшириқларни ташкил этишдан аввал талабаларнинг сабаб-оқибат ўртасидлаги боғланишларни аниқлаш усуллари билишларига ишонч ҳосил қилиш керак;

- ўқитувчи талабалар тушуна оладиган муаммоларнигина қўйиши керак;

- муаммони самарали ечиш уни тўғри ифодалаб қўйишдан бошланади.

Бу қоидаларни бажариш ўқув материали мазмунининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ – бу қоидалар ўқув материалининг таркиби ва мантикий тузилиши (структураси) га қатор талабларни қўяди. Ўқув материалида қуйидагилар бўлиши лозим:

- янгилик элементлари (янги тушунчалар, белгилар, хоссалар, боғланишлар, ҳаракат, иш усуллари ва ҳ.к.)

- маълум ва янги билимлар ўртасида қарама-қаршиликлар (бири бошқасини инкор қиладиган, зиддиятли фактлар, саволлар);

- ўқув материали педагогик назарияга мос ҳолда мантикий адекват (бир маънода) баён этилган.

Ўқитишнинг ишбилармон ўйинлари технологиялари – булар ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи технологиялардир. Бу технологиялар асосида ўқиш мақсади ва унга мос педагогик натижа аниқ қўйилган, ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини рағбатлантирувчи ўйинли усуллар ва вазиятларни ўз ичига олган педагогик ўйин ётади.

Педагогик ўйин қуйидагича тузилади: дидактик мақсад ўйинли масала шаклида қўйилади; ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди; ўқув фаолиятига мусобақа элементи киритилади. Бу мусобақа элементи дидактик масалани ўйинли масалага ўтказди; дидактик топшириқни муваффақиятли бажариш ўйин натижаси билан боғланади.

Олий ўқув юртларида ишбилармонлик ўйинларидан кенг қўламда фойдаланилади. Бундай ўйинлар инсоннинг шахсий сифатларини шакллантирувчи таъсирчан восита ҳисобланади.

Ўқув ишбилармонлик ўйини – бу касбий фаолият модели бўлиб, унинг мантикий мазмуни моделлаштириш, тақлид қилиш ва алоқа, шу жумладан табиий тил ёрдамида белгиланади.

Ўқув ишбилармонлик ўйини технологияси қуйидагиларни назарда тутди:

- ишлаб чиқаришнинг тақлидий моделида ифодаланган ўқув материали мазмунининг тизимли бўлиши;

- келажакдаги касбий фаолиятнинг структураси ва функцияларини ўйинли ўқув моделида аслидай қилиб тиклаш;

- ўқув жараёнидаги шароитни билимларга ва уларни амалий қўлланишга талабни туғдирувчи реал шароитларга яқинлаштириш;

- ўйиннинг ўргатувчи ва тарбияловчи самарасини бирлаштириш;

- талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигида фаолият кўрсатишини мустақил фаолият кўрсатишга ўтишини таъминлаш.

Ўқув ишбилармонлик ўйинини (ёки бошқа шаклдаги ўйинларни) ташкил этишда қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

- ўйин асосий фаолиятни, мантикий-тузилишни (структурасини) белгилловчи умумий мазмунга ва ўйинда тақлид этиладиган жараёнга эга бўлиши лозим;

- касбий соҳанинг тўлиқ тақлид этилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг муаммолилиги;
- ўйинларнинг ўзи ташкил бўлишига қаратилганлиги;
- ўйинларнинг методологик, психологик ва техник таъминланганлиги.

Ишбилармонлик ўйинини ўтказиш уч босқичдан: тайёрлаш, ўтказиш, таҳлил ва умумлаштиришдан иборат.

Ўқув ўйинларини тайёрлаш босқичида икки турдаги иш бажарилади:

- ўйинни ишлаб чиқиш, яъни ишбилармонлик ўйинининг сценарияси ва режасини ишлаб чиқиш, уни умумий тавсифлаш ва кўрсатмалар, шунингдек мавзу бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш;

- ўйинга киришиш, яъни машғулотнинг асосий мақсадини ифодалаш, муаммони қўйиш ва вазиятли топшириқни танлаш, шунингдек иш тартибини (регламент, қоидалар, ролларни тақсимлаш ва ҳ.к.) аниқлаш.

Ишбилармонлик ўқув ўйинларини ўтказиш босқичи ҳам икки ишдан иборат:

- топшириқ устида гуруҳ билан ишлаш, яъни адабиёт манбалари билан ишлаш, тренинг (маҳсус машқлар), мияни қотиришдан иборат бўлган ўйин жараёнининг ўзи;

- гуруҳлар ўртасидаги мунозара, яъни гуруҳларнинг ўз фикрлари билан сўзга чиқиш, иш натижаларини, шунингдек экспертлар ишини ҳимоя қилиш.

Ўйин бошланиши билан унга ҳеч ким аралашмаслиги ва унинг боришини ўзгартирмаслиги керак. Фақат ўйин раҳбари гуруҳлар ҳаракатига тузатиш киритиши мумкин. [27, 34]

Таҳлил ва умумлаштириш босқичида ўйин натижалари муҳокама этилади, баҳоланади, экспертлар сўзга чиқади, фикрлар ўзаро алмашилилади, ўйин қатнашчилари ўз қарорлари ва хулосаларини ҳимоя қилади.

Ўқитишдаги информацион ва телекоммуникацион технологиялар - бу талабаларга компьютерлар ва телекоммуникация воситалари ёрдамида ахборот узатиш усул ва методларининг мажмуи, билимларни ўзлаштиришни текшириш, реал ҳаётда олинган билимларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш.

Ўқитишдаги ахборот технология даражаси, ҳам дастурлар, ҳам аппаратлар билан таъминланганлик билан баҳоланади.

Дастур таъминоти бошқарувчи муҳит бўлиб, ўрганувчи (талаба) нинг ҳаракатларида содир бўладиган вазиятга қараб, адекват (мос) жавоб беради. Дастур таъминоти махсус ишлаб чиқилган ёки ўқитишда қўлланишга мосланган бўлади.

Ўқитишда қўлланиладиган дастур таъминоти вазифасига қараб қуйдагича тавсифланади:

- ўқув материалининг интерактивлиги, мультимедийлиги, катта ҳажм ва гиперматнлигини таъминлайдиган электрон интеллектуал дарсликлар асосида автоматик ўқитиш тизимлари;

- микромирлар деб аталувчи фанга йўналтирилган муҳитлар;
- лаборатория машғулотлари;
- тренажёрлар;
- маълумотнома тизимлар;
- компьютерли ўйинлар.

Автоматлаштирилган ўқитиш тизими ўқув курсини ёки унинг катта бўлимини мустақил ўзлаштиришга имкон яратади. Бу тизим ўзида оддий дарслик, масалалар тўплами, лаборатория машғулотлари, маълумотнома ва ўзлаштирилган ахборотни текширувчи эксперт хусусиятларини мужассамлантирган:

- материални ўрганишнинг мақбул йўлини таъминлайди, яъни талабага назарияни ўзлаштириш ва мисоллар ҳамда намунавий масалаларни ечиш

кўникмаларини ишлаб чиқиш навбат-тартибини мустақил ташкил этишига, шунингдек олган билим ва кўникмалари сифатини ўзи текширишига имкон беради;

- таҳлил ва тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини сингдиради;
- ўқувчининг вақтини тежашга имкон беради.

Фанга йўналтирилган муҳит ўқув дастурлари пакетидан иборат бўлиб, маълум класс объектлари билан иш кўришга, улар ўртасидаги муносабатни ва объектлар ҳамда муносабатлар устида олиб бориладиган ишларни бажаришга, шунингдек объектларни ва уларнинг хоссаларини яққол тасаввур этишга имкон беради.

Талаба муҳит объектлари билан иш кўрганда топширилган дидактик масалага эришиш, ёки мустақил тадқиқотларни бажаришни мақсад қилиб қўяди.

Лаборатория машғулотлари. Бу машғулотлар дастури кузатишлар олиб бориш, турли виртуал объектларни тадқиқ этишда ўтказиладиган кузатувларни сон ва график жиҳатдан тасаввур этиш учун мўлжалланган.

Тренажёрлар техникавий масалаларни ечишдаги кўникмаларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Тренажёрлар дастури: назария ва маълум масалаларни ечиш усуллари бўйича ахборот олиш; турли даражада мустақил машғулот ўтказиш; текшириш ва ўз-ўзини текширишга имкон беради.

Текширувчи дастурлар билимлар сифатини текшириш ва баҳолаш учун мўлжалланган. Улар ўқувчига: жавобни умум қабул қилинган шаклга максимал яқинлаштирилган ҳолда киритиш; текшириш натижаларини сақлаш, йиғиш, распечатка олиш (қоғозга кўчириш) ва статистик таҳлил қилиш; жавобнинг шакли ва синтактик (гапнинг тузилиш) саводлилигидан қатъий назар, адекват баҳо олиш имконини бериши лозим.

Маълумотнома тизимлар – бу маълумотномага ўхшаган турли ўқув ахборотларини сақлаш ва ўқувчига кўрсатиш учун мўлжалланган дастурлардир. Бу дастурларда ўқув материали иерархик тартибда жойлаштирилади ва

ахборотни турли белгиларига қараб тез излаб топиш мумкин бўлади. Улар контекст маълумотни олиш, сақлаш ва нусха чиқаришни таъминлайди.

Компьютерли ўйинлар – бу бирор воқелик, борликнинг моделини аниқловчи ва ҳаётий вазиятни қайта тикловчи дастурлардир. «Тақлидий» ўйинлар бирор янги воқелик, борликка, масалан, ишбилармонлик ўйинларига, тушуниб ёки тушунмаган ҳолда тайёрланишни таъминлайди.

Компьютерли ўйинларда икки босқични кўришимиз мумкин:

- *йўналтирувчи босқич* – бунда ўйин мавзуи ва хусусиятлари билан танишилади, шунингдек ўрганилаётган тизимнинг турли шароитлардаги ҳолати намойиш қилинади;

- *ижро босқичи* – йўналтирувчи муҳитда ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш кўникмаларини олишга мўлжалланган. Охирги босқичда турли машқлар ва зарур ҳаракатлар кўп қайта такрорланилади.

Компьютерли ўйинлар ўқитишда янгича ёндошишларни амалга ошириш ва ўқитиш моҳиятини жиддий бойитишга имкон беради.

Ахборот технологиялар талабаларни нафақат ўқитиш, балки компьютер инжинирингига ўргатиши ҳам лозим. Компьютер инжиниринги – ишлаб чиқариш мутахассислари фойдаланадиган, инженерлик масалаларини ҳисоблаш техникаси ёрдамида амалий ечиш методлари ва воситалари мажмуидан иборат.

Дастурланадиган ўқитиш технологиялари – бу махсус ишлаб чиқилган дастурлар асосида ўргатувчи қурилмалар (компьютер, тренажёр, дастурланадиган дарсликлар ва б.) ёрдамида билимлар, маҳоратлар ва кўникмаларни мустақил олиш имконини таъминловчи технологиялардир. Дастурлаштирилган материал маълум бир мантиқий кетма-кетлик тартибида бериладиган нисбатан катта бўлмаган ўқув ахборотлари тўпламидан («кадрлар», файллар, «қадамлар» ва ҳ.к.) иборат. [34]

Дастурлаштириладиган ўқитишнинг бешта асосий тамойили бор:

Биринчи тамойил – бошқарувчи қурилмалар мажмуининг маълум иерархияси. Ўқитишни бошқаришнинг юқори сатҳида ўқитувчи туради. У, фан

(курс)да дастлабки умумий йўлланмани беради ва ўқитишнинг ностандарт мураккаб вазиятларида тўғри йўлни кўрсатиб беради.

Иккинчи тамойил – ўқув фаолиятининг ҳар бир қадами (амали) бўйича тескари боғланишдан фойдаланиб, ўқув жараёнини бошқариш тизимини цикл шаклида ташкил этиш тамойили. Тескари боғланиш ўқитувчи учун тузатиш киритиш (коррекция), талаба учун эса ўқув материални тушуниб олиш учун зарур. Коррекция учун ташқи тескари боғланишдан фойдаланилади. Бундай боғланиш ўқитиш жараёнини олиб бораётган бошқарувчи қурилмалар, ёки ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Ички тескари боғланиш талабаларга ўзининг ўқув фаолияти натижаларини ва характерини мустақил тўғрилаши учун хизмат қилади.

Учинчи тамойил – ўқув материални очиш ва узатишда қадамли технологик жараён тамойили. Мазкур ҳолда дастурдаги ўқув материали билим, маҳорат ва кўникмаларни самарали ўзлаштиришга кўмаклашадиган алоҳида, мустақил, лекин ўзаро боғланган ва ҳажми унча катта бўлмаган ахборот ва ўқув топшириқларидан тузилган бўлади. Ўқитиш дастурсининг қадами тўғри ва тескари боғланиш ахбороти ва билим олиш ҳаракатларини бажариш қоидаларидан тузилади, яъни қадам таркибига ўзаро боғланган учта звено (кадр) киритилади: ахборот, тескари боғланишли амал ва текшириш.

Маълум тартибда жойлашган қадамли ўқув амаллари (процедуралари) мажмуи ўқитиш дастурсини ҳосил қилади. Бу мажму дастурлаштирилган ўқитиш технологиясининг асоси ҳисобланади.

Тўртинчи тамойил – ўқитишдаги индивидуал мазмун ва бошқариш тамойили. Бу тамойилга кўра, ҳар бир талабага мос йўналтирилган информацион жараён таклиф этилади ва унинг билимларни ўзлаштириш қобилиятига тўғри келадиган тезликда ўқишда илдамланиш имкони берилади.

Бешинчи тамойил – дастурлаштирилган ўқув материални узатиш учун махсус техник воситалардан фойдаланиш.

Ўқитиш технологиясида қуйидаги дастурлар бўлиши мумкин: чизиқли дастур; тармоқланган дастур; адаптив дастур; умумлаштирилган дастур; дастур-алгоритм; модулли ўқитиш дастурси; билимларни тўлиқ ўзлаштириш дастурси.

Чизиқли дастур назорат топшириқлари бўлган ўқув ахборотининг кетма-кет ўрин алмашинувчи унча катта бўлмаган блокларидан иборат.

Чизиқли дастурда талаба ахборотнинг ушбу қадами (блоки) га жавоб тўғри бўлганда кейинги қадамга (блокка) ўтади, жавоб нотўғри бўлганда эса, шу қадамнинг ўзига қайтади, яъни бошланғич ахборотни қайтадан ўрганиши керак.

Тармоқланган дастурда жавоб нотўғри бўлганда талабага назорат топшириғини бажариши, тўғри жавоб бериши ва ўқув ахборотининг навбатдаги қадамига (блокига) ўтишига имкон берувчи қўшимча ўқув ахбороти берилади.

Адаптив дастур талабага янги ўқув материалининг мураккаблик даражасини ўзи танлашига, уни ўзлаштирган сари ўзгартиришга, маълумотнома адабиётлар, луғатлар, қўлланмалар ва ҳ.к. га мурожаат қилишга имкон беради.

Умумлаштирилган дастур чизиқли, тармоқланган ва адаптив дастурларнинг парчалари (фрагментлари) ни ўз ичига олади.

Дастур-алгоритм ақлий (назарий) ва амалий операцияларнинг кетма-кетлик тартибини аниқлайди. У, ҳам мустақил ўқитиш дастури, ҳам бошқа ўқитиш дастурининг қисми бўлиши мумкин.

Блокли ўқитиш дастури талабага турли интеллектуал амалларни бажаришга ва ўқув топшириқларини бажаришда олган билимларидан фойдаланишига имкон беради.

Блокларнинг кетма-кетлик навбати:

- ахборот блоки;
- текшириш-ахборот блоки (ўзлаштирилган билим қоида тариқасида тестлар билан текширилади);
- муаммоли блок (масалаларни олинган билимлар асосида ечиш);
- текшириш ва тўғрилаш блоки.

Модулли ўқитиш дастури шундан иборатки, бунда фан (курс) мазмуни уч даражада берилади: қисқартирилган, тўлиқ ва чуқурлаштирилган. Дастур

материали бир вақтнинг ўзида турли кўринишда: расмлар, матнлар кўринишида ва символик тарзда берилади.

Ўргатувчи модуль қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- аниқ ифодаланган ўқув мақсади;
- ахборот банки (ўқитиш дастурси кўринишидаги ўқув материали);
- мақсадларга эришишга оид методик қўлланма;
- зарур маҳоратларни шакллантириш бўйича амалий машғулотлар;
- модулнинг мақсадига мос келадиган назорат иши.

Билимларни тўлиқ ўзлаштириш дастури қуйидагиларни назарда тутди:

- ўқув материални ўзлаштириш лозим бўлган ўқув элементларига ажратиш;

- ўқишни ташкил этиш;
- текшириш-жорий назорат;
- тўғрилаш;
- қайта ўқитиш.

Видеокomпьютерли ўқитиш технологияси – талабаларнинг фаол билиш, билим орттириш жараёнларини рағбатлантирувчи технологиядир [15]. Бу технология ўқув ахборотларининг вербал ва тасаввурли шакллари биргаликда намоён этиш, ўқитиш жараёнини мақсадларга мослаштириш имконини беради. Талабалар компьютер билан индивидуал ўқитилганда дарсларда коммуникатив фаолият кўрсата олмайди, бундан ташқари, муаммоли ўқитиш заминидаги эвристик аспект йўққа чиқади. Кузатишларнинг кўрсатишича, ўқитувчи, билимларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этувчи ва бошқарувчи доминанта сифатида ўқитишнинг янги моделларида ўқувчиларнинг компьютер билан ишлагандаги расмий кўникмаларига фақат тузатишлар киритиш ва назорат қилиш билан чекланади. [44]

Компьютерли ўқитишнинг яна бир камчилиги – образларнинг йўқлигидир, бу эса ўқитишнинг эмоционал-мотивацион аспекти сусайтиради. Шунинг учун техникавий фанларни ўрганишда компьютерли ва видеоматериалларни қўшиб ишлатиш ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ривожлантиради.

Бунга аудиовизуал материалларни муаммоли тузиш, ўқувчилардан билимларни танлаб фаоллаштиришни ва муаммоли вазиятлардан чиқишни излаш йўлини талаб этувчи саволлар тизими кўмаклашади.

Ўқитишнинг видеокомпьютерли моделини очик тизим сифатида қараб, унга ўқитишнинг бошқа анъанавий воситалари қўшилиши мумкин. Албатта, ҳар бир алоҳида ҳолда вербал-визуал ва тасвири ахборотнинг салмоғи ўзгариши мумкин. Буларнинг барчаси компьютерли ва видеотехнологиялар тасвири воситаларининг мазмуни ва хусусиятларига ва мазкур мавзуни ўрганишда эришиш лозим бўлган дидактик мақсадларга боғлиқ.

2.3. Аниқлаштирилган дифференциал технологиялар асосида иқтисодий таълим самарадорлигининг таҳлили

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида тубдан бурилиш ясадики, мамлакатда ягона ва узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Бу узлуксиз таълим тизими Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан мустаҳкамланди.

Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларда таълим тизимининг барча йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари кўрсатиб ўтилди.

Шу маънода академик лицей ва касб ҳунар коллежларида, хусусан Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида ташкил этилаётган дарсларини ўтказишда ҳам замонавий дарс ишланмаларини яратиш, амалиётга тадбиқ этиш ва натижада иқтисодий таълим самарадорлигига эриши масалалари долзарб ҳисобланиб келмоқда.

Аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологияда урта табақалаштиришнинг турли даражадаги қийинчиликда: “А”, “В”, “С” дастурлари ажралиб туради.

Дастур қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

-муайян даражадаги билим, малака ва кўникмаларни таъминлайди;

-Таълим олувчиларнинг маълум даражадаги мустақиллигини таъминлайди.

“С” дастури таянч стандарт сифатида қайд қилинади. Уни бажариш орқали таълим олувчилар фан бўйича ўқув материаллини, уни қайта таклай олиш даражасида ўзлаштирадилар. “С” дастури вазифаларини нисбатан қийин дастурга ўтмасдан олдан ҳар бир талаба бажара олиши лозим.

“В” дастури мавзуни қўллаш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун зарур бўлган ўқув ва ақлий фаолиятининг умумий ва ўзига хос усуллари билан эгаллашни таъминлайди. Ушбу дастурга киритиладиган қўшимча маълумотлар биринчи босқич материалларини кенгайтиради, асосий билимларни исъотлайди, намоёниш этади ва ойдинлаштиради, тушунчаларнинг амал қилиш ва қўлланишини кўрсатиб туради.

“А” дастури талабаларнинг иқтисодий билимларини тўла англаш, ижодий қўллаш даражасига кўтаради. Бу дастурда ижодий қўллаш истиқболи тобора такомиллашиб боровчи маълумотлар, чуқурлаштирилган материаллар, уларнинг мантиқий асосланганлиги жойлаштирилган.

Малакавий амалиёт давомида “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича “Пул муомаласи” мавзусини аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология асосида ўтилган дарсни кузатиб, таҳлил қилдик. Қуйида мазкур дарс ишланмаси келтирилган.

Мавзу: Пул муомаласи

Мавзу бўйича таянч иборалар: пул, муомала, пул муомаласи, пул муомаласи қонуни, пул айланиш тезлиги, пулга бўлган талаб ва таклиф, инфляция, инфляциянинг оқибатлар, миллий валюта, Марказий банк ва унинг вазифалари, кредит, молия.

Дарсинг мақсади: Талабаларга иқтисодиётда пул ва пул муомаласи, пул муомаласи қонуни, пулга бўлган талаб ва таклиф каби иқтисодий тушунчалар ҳақида маълумот бериш, уларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Дарсинг бориши.

Ташкилий қисм: талабалар билан саломлашиб, аудиториянинг умумий ҳолатини, талабаларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш, йўқлама қилиш.

Асосий қисм: Янги мавзу баёни бўлиб, у қуйидаги режа асосида ташкил этилади:

“С” Дастур.

1. Пул муомала воситаси сифатида.
2. Пул муомаласи қонуни.
3. Пул муомаласини тартибга солиш усуллари.

Дарс жиҳозлари: Президент асарлари, буклетлар, фото альбомлар, жадвал ва графиклар.

Дарсда қўлланиладиган воситалар: компьютер, видео кўзгу, проектор, мултимедия.

Дарс ўтиш технологияси: аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологияси.

Режада берилган ҳар бир савол ўқитувчи тамонидан атрофлича ёритилди. Тегишли материаллардан, методлардан, техник воситалардан фойдаланилди, холосалар чиқарилиб, мавзу умумлаштирилди ва “В” дастурга ўтилди ва “В” дастур асосида қўшимча саволлар ишлаб чиқилган).

“В” Дастур.

1. Пул массаси.
2. Миллий валютамининг муомаладаги ҳаракатини тартибга солиш чоратadbирлари.

Қўйилган қўшимча саволларни ўқитувчи тушинтириб ўтилди. Бу саволлар олдинга “С” дастурдаги саволларни тўлдиради. “В” дастурнинг муҳим жиҳати шундаки, унда қўриладиган саволлар аниқ материалларга асосланади ва олинган маълумотларнинг тегишли адабиётлари кўрсатилади.

Қўшимча берилган саволлар муҳокама қилиниб, унга нисбатан ҳам мураккаб бўлган саволлар тузилди ёки қўшимча иқтисодий масалалар ҳам берилиши асосида “А” дастурига ўтилди. (Ўқитувчи “А” дастурни кенгрок қилиб беришга ҳаракат қилди).

“А” Дастур.

1. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида инфляцияни бартараф этиш йўллари.
2. Бир йилдан сўнг 1200 доллар олиш учун банкка йилига 20% кўпайиш шarti билан қанча миқдорда пул қўйиш зарур.

Якуний қисм: дарснинг ниҳоясида ўтилган мавзу бўйича талабаларнинг саволларига ўқитувчи жавоб бериб, мавзунини умумлаштирди ва уйга вазифа берди. Уйга берилаётган вазифани ўқитувчининг ўзини ихтиёрида бўлиб, вазифа берилаётган талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олинди.

2-боб юзасидан хулосалар.

Биринчидан, муаммоли ўқитиш технологияси таълим жараёнини амалга оширишда универсал восита ҳисобланади. Бу технология талабалар вазиятчи масалани излаш фаолиятига, муаммони ифодалаш ва ечишга тайёрлангандагина самарали бўлади.

Иккинчидан, ўқитувчи бирор ўқитиш технологиясини ёки уларнинг бирикмасини танлар экан, дарснинг мақсади, ўқув материалнинг мазмуни, аудитория характери, унинг тайёрлик даражасига асосланиши лозим.

Учинчидан, иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида мақсадни аниқлаш энг асосий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчидан, билимларни тўлиқ ўзлаштириш дастури қуйидагиларни назарда тутди: ўқув материални ўзлаштириш лозим бўлган ўқув элементларига ажратиш; ўқишни ташкил этиш; текшириш-жорий назорат; тўғрилаш; қайта ўқитиш.

Бешинчидан, ўқитишнинг видеокомпьютерли моделини очиқ тизим сифатида қараб, унга ўқитишнинг бошқа анъанавий воситалари қўшилиши мумкин.

Олтинчидан, иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш амалиётда талабаларнинг юқори даражада иқтисодий фикрлашига асос бўлади.

III БОБ. АНИҚЛАШТИРИЛГАН ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА “ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ

3.1. Иқтисодий фанларни ўқитишда ўқитувчининг инновацион фаолияти

Инновационлик педагогик жараёнини ифодалаб нафақат унга дидактик қурилмасига, балки педагогнинг ижтимоий, моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам таъаллуқлидир.

Педагогнинг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга педагогнинг тайинли мулоқоти, қарама-қарши фикрларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олиншини ўқитишга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида педагог ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив) га эга бўлади.

Педагог фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мотивлари аҳамият касб этади, бу эса педагог шахсининг креативлигининг фаоллигини шакллантириш имконини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдан иборат. Мулоқотнинг янги вазияти - бу педагогнинг ўз мустақиллик мавқеини, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатини ярата олиш қобилиятидир. Бундай вазиятларда ўқитувчи педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали мукаммаллаштириб боради. [32, 48]

Ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб, хиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шарти - бу педагогнинг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Педагог ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартидан биридир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади: касбий фаолиятининг онгли таҳлили, меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув,

касбий янгиликларга нисбатан шайлик, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида педагог инновацион фаолиятга бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

1. Ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилашни талаб қилади, янги янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишлардан иборат бўлади.

2. Таълим мазмунини инсонпаварлаштириш доимо ўқитишнинг янги танқидий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади.

3. Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни тадбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг характери ва ўзгариши.

Педагог инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян шартлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга - янгилик - мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради.

Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолият тадқиқотлари педагогнинг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меъёрларини белгилашга имкон берди. Биринчидан, инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш, иккинчидан, ижодий фаолиятга талаб қилинишига тайёргарлик, учинчидан, шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш, тўртинчидан, инновацион фаолиятни ижро этиш технологиясига тайёргарлик даражаси¹⁶.

Инновацион жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий

¹⁶ Сластенин В.А. Введение педагогическую акциологию.-:М. «Академия», 2003. 152 ст.

педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Демак, ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

Хозирги маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновацион фаолиятига бўлган талаблар қуйидагилар билан аниқланади:

- ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими методология ва ўқув жараёнининг технологиясини тубдан янгиланишни талаб қилади. Бу шароитда ўқитувчи инновацион фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

- таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, ўқитишнинг янги шакллари, технологияларини қидиришни тақозо этади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарасини белгиловчи муайян меёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меёрларга янгилик, оптималлик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацион ижодий қўллаш имкониятлари киради. Янгилик педагогик янгилик меёри сифатида, ўзида таклиф қилинадиган янгилик, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагогик олимлар янгиликни қўллаш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлоқ, чегараланган мутлоқ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиши учун сарфланган куч ва воситаларни билдиради. Натижалилик ўқитувчи воситасидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради. Педагогик янгилик эса ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим.

В.А.Сластинин¹⁷ ўтказган тадқиқотлар ўқитувчининг инновацион фаолиятига ижобий тайёргарлигини аниқлаш имкониятларини беради: мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари

¹⁷ Сластенин В.А. Введение педагогическую акциологию.-:М. «Академия», 2003. 172-173 ст.

муваффақиятини башорат қилиш; янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятли ва аниқлик даражасини аниқлаш; янгиликни тадбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш; янгиликни тадбиқ этадиган ташкилотнинг инновация қобилятига баҳо бериш.

Бунда ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади, унда инновацион фаолиятининг самараси педагог шахсияти билан белгиланади. [7]

Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилятларининг асосий хислатлари: шахснинг ижодий мотивацияни қўллаганлиги. Бу қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш, ижодий ютуқлар, пешқадамликка ва ўз камолотига интилиш; креативлик, бу - ҳаёлий қараш; баҳо бера олиш қобиляти ва ўз камолотига интилиш; касбий фаолиятни баҳолаш, бу - ижодий фаолият методологияси ва педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобиляти; муаллифлик концепцияси ва зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилятлари; ижодий фаолиятига ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобиляти; ўқитувчининг индивидуал қобиляти, бу - ижодий фаолият суръати ва иш қобиляти; қатъиятлик, масъулиятлик ва ҳалоллик, ўзини тута билиш.

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятига сезгирлиги меъёрларини белгилашга имкон беради: инновацион фаолиятга бўлган заруратни аниқлаш; ижодий фаолиятга жалб қилишга тайёргарлик; шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш; ижодий муваффақиятсизликларни енгишга тайёрлик; инновацион фаолиятни касбий мустақилликка таъсири.

Инновацион фаолиятни энг муҳим масалалардан бири - ўқитувчи шахси: у новатор, сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим.

Инновацион фаолият мотивацион, технологиклик ва рефлексиялик қисмлардан ташкил топади. Ўқитувчини бу фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширади: янгиликни идрок қилишга инновацион таёргарликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қилишга ўргатиш. Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, функциялари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари ва бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида ташкил этиш имконини беради.

3.2. Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида “Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати” мавзусини аниқлаштирилган дифференциал технологиялар асосида ўқитиш услугиётини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи сифат босқичи амалга оширилаётган ҳозирги туб ўзгаришлар даврида олий таълимда чуқур изланишлар, ислоҳатлар, илғор технологиялардан фойдаланиш ҳамда бу соҳаларда тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ўқитиш жараёнида таълим сифатини оширишда дарсларни савол-жавоб тарзида ўтказиш, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, юқори илмий педагогик савияда дарсни ташкил этиш, муаммоли маърузалар ўқиш, мустақил ишлашга, ижодий фикрлашга, илмий изланишга жалб этиш каби тадбирлар алоҳида ўринни эгаллайди.

Шу маънода, биз мазкур битирув малакавий ишимизни тадқиқоти давомида Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида ўтказилган амалиёт давомида “Талаб ва таклиф” Бозор мувозанати” мавзусида ташкил этган дарс ўтиш услугиётини келтирамиз. Мазкур ишланма Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежининг 2-курс талабаларига “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитиш жараёнига тадбиқ этилган. Демак,

Мавзу: Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати.

Дарснинг мақсади: Талабаларга иқтисодий талаб ва таклиф тушинчалари, Талаб ва таклиф қонунлари, бозор мувозанати каби иқтисодий тушинчаларни иқтисодий моҳиятини тушинтириш, уларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни аниқлаштирилган дифференциал технологиялар асосида шакллантириш.

Дарснинг бориши:

Ташкилий қисм: талабалар билан саломлашиб, аудиториянинг умумий ҳолатини, талабаларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш, йўқлама қилиш.

Асосий қисм: Аввалги дарсларда ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда янги мавзунини баён этишга асос тайёрлаш мақсадида тегишли саволлар билан саволлар билан талабаларга муурожаат қилинади. Сўнгра янги мавзу баёни қуйидаги режа асосида ташкил этилади:

“С” дастур:

РЕЖА:

1. Талаб тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва талаб қонуни. Талабнинг ҳажмига ва миқдорига таъсир этувчи омиллар.

2. Таклиф тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва таклиф қонуни. Таклифнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.

“В” дастур:

1. Талаб эластиклиги. Талаб эластиклигидан реал ҳаётда фойдаланиш.

2. Таклиф эластиклиги.

3. Талаб ва таклифнинг мос келиши. Бозор мувозанати.

“А” дастур:

1. Тарвузга бўлган талаб 100 дона бўлганда ҳар бир тарвуз нархи 21 сўмни ташкил қилади. 160 дона бўлганда бир дона тарвуз 19 сўм бўлсин. Ёйсимон эластиклик коэффициентини ҳисобланг?


2. Калишга бўлган талаб 150 дона бўлганда, ҳар бир пой калиш нархи 40 сўмни ташкил қилсин, талаб 250 дона бўлганда бир пой калиш нархи 37 сўм бўлсин. Ёйсимон эластик коэффициентини ҳисобланг?

3. Талаб ва таклифнинг нархга боғлиқлиги.

Мазкур мавзунини тушуинтириш давомида қуйидаги кўргазмалардан, Кластер технологиясидан фойдаланилди:

Талабнинг туркумланиши.


5-чизма.




Нарх ва сотиб олинadиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик.

5-жадвал.


Бир кг ун нархи (сўм)	1 ой давомида унга бўлган якка талаб миқдори (кг)	1 ой давомида унга бўлган бозор талаби миқдори (тн)
350	10	1,0
300	20	2,0
250	30	3,0
200	50	5,0
150	60	6,0



6-чизма. Талаб эгри чизиғи




7-чизма. Таклиф эгри чизиғи.



8-чизма. Мувозанатли нарх.

Талаб	Таклиф
1. Истеъмолчи диди.	1. Ресурслар нархи.
2. Истеъмолчи даромади.	2. Ишлаб чиқариш технологияси.
3. Бир-бирига боғлиқ товарлар нархи.	3. Солиқ ва субсидия.
4. Келажакдаги нархларнинг ўзгариш эҳтимоли.	4. Бошқа товарлар нархи.
	5. Нарх ўзгаришини кутиш.
	6. Бозордаги сотувчилар сони

Кластер мисоли.



Дарс якунида аниқлаштирилган технологияларнинг “В” ва “А” дастурлари талабаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги топшириқлар уйга вазифа сифатида талабаларга берилди:

Мустақил иш учун вазифа

1. «Океан» магазинида энг яхши балиқ маҳсулотига бўлган талаб кунига 500 килограмм бўлиб, 1993 йили 20 000 сўмни ташкил этарди. Агарда эгри эластиклик $(-11/7)$ ва 24 000 сўм миқдорида бўлганда унинг талаб ҳажмини аниқланг?

2. Фирма «JBF» бозорни рғбатлантириш мақсадида компьютерларни бир моделини нархини 1000 доллардан, 800 долларга туширди. Натижада келгуси ойда олдингига нисбатан икки баробар кўп компьютерларни сотишга эришди.

А) фирма тушуми қандай ўзгарди?

Б) нуқтали эластиклик коэффиценти ва ушбу компьютер моделига бўлган талабнинг характери бўйича хулоса қилинг?

3. Дафтарга бўлган талаб 100 дона бўлганда ҳар бир дафтар нархи 50 сўмни ташкил қилади. Талаб 200 дона бўлганда бита дафтар нархи 45 сўм бўлсин. Ёйсимон эластиклик коэффицентини ҳисобланг?

4. Истеъмолчининг даромади йилига 700000 сўмдан 1млн.га ошди. Макаронга бўлган талаб йилига 3 кг дан 1 кг га пасайди. Ёғга бўлган талаб 5 кг дан 7 кг га ошди, даромадга нисбатан ва маҳсулот характериға нисбатан талаб эластиклигини аниқланг?

**“Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати” мавзусидан машғулоти
ташкил этишдан олдин талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари**
6-жадвал

Ўзлаштириш даражалари	Тажриба синов гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)
Юқори	5	20	6	24
Ўрта	4	16	3	12
Қуйи	16	64	16	64
Жами:	25	100	25	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги талабалардан барча саволга олинган жавоблар юқори - 20 %, ўрта 16 %, қуйи 64 % бўлган бўлса, назорат гуруҳида юқори 24 %, ўрта 12 %, қуйи 64 % ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавоблар назорат гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавобларга нисбатан деярли бир хил.

Энди “Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати” мавзусини аниқлаштирилган дифференциал технология асосида дарс ўтилгандан сўнг олинган натижаларни қуйидаги 7-жадвалда келтирамиз.

**“Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати” мавзусини аниқлаштирилган
технология асосида дарс ўтилгандан сўнг олинган натижалар**

7-жадвал

Ўзлаштириш даражалари	Тажриба синов гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)
Юқори	15	60	12	48
Ўрта	8	32	8	32
Қуйи	2	8	5	20
Жами:	25	100	25	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги талабалардан ҳар уччала саволга олинган жавоблар юқори 60 %, ўрта 32 %, қуйи 8 % бўлган бўлса, назорат гуруҳида юқори 48 %, ўрта 32 %, қуйи 20 % ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавоблар назорат гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавобларга нисбатан юқори.

3-боб юзасидан хулосалар

Юқоридаги аниқлаштирилган дифференциал технология асосида “Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати” мавзусини ўқитиш услубиёти номли бобда таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, бугунги иқтисодчи-ўқитувчи фаолиятида инновация биринчи ўринда туриши зарур.

Иккинчидан, инновацион фаолиятни энг муҳим масалалардан бири - ўқитувчи шахси: у новатор, сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим.

Учинчидан, дифференциал технологиялар асосида ўқитиш талабаларда мукаммал иқтисодий билим, малака ва кўникма ҳосил бўлишига олиб келади.

Тўртинчидан, талаба таълим жараёнининг нафақат объекти, балки субъектига айланади, талабада иқтисодий тафаккур камол топади.

Бешинчидан, талаба ўйланади, изланади, мушоҳадалайди ва натижада мустақил қарор қабул қилади, фикрни очиқ баён қилишни ўрганади.

Олтинчидан, талабаларнинг иқтисодий билимга бўлган қизиқиши кучаяди, иқтисодиётга қизиқиши кузатилади, иқтисодий таълимда кетма-кетлик юзага келади.

Демак, бу каби технологияларни “Иқтисодиёт назарияси” фани таълим жараёнига жалб қилиш йўллариини белгилаш таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўзининг бир қатор устивор хусусиятлари ва афзалликлари билан иқтисодиётни эркинлаштириш шароити талабларига жавоб берадиган замонавий юқори малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг барчаси тўлалигича амалга оширилиб бўлинсада, у ҳолда мамлакатимиз мавқеини нафақат минтақада, балки бутун дунё ҳамжамиятида кўтарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшалиган етук малакали мутахассислар, шу жумладан иқтисодчи ва иқтисодчи ўқитувчи мутахассислар етишиб чиқади.

Бироқ, ҳозирги кунда, юқори малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар бевосита тизимни замон талаблари даражасида ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Булар қуйидаги ўз ифодасини топган:

Биринчидан, мутахассислар тайёрлаш тизими юқори малакали профессор ўқитувчилар билан етарли даражада таъминланмаган.

Иккинчидан, таълим соҳаси кўпроқ назарийлашиб кетмоқда, яъни кадрлар тайёрлаш миллий моделида назарда тутилган фан ва ишлаб чиқариш ўртасида боғлиқлик мустаҳкам эмас.

Учинчидан, таълим соҳаси етарли ахборот технологиялари билан қуроолланмаган, яъни таъминланмаган.

Тўртинчидан, давлат тилидаги ўқув услубий мажмуалар етарли ҳажмда эмас.

Бешинчидан, мутахассисларни тайёрлашда илғор педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш ҳоллари суёт амалга оширилмоқда.

Олтинчидан, иқтисодий таълимда инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш муаммолари мавжуд.

Саккизинчидан, мутахассис тайёрдашда халқаро ҳамкорлик ишлари талаб даражасида эмас.

Бу каби муаммоларни ҳал этилиши бевосита мамлакатимиз иқтисодиёти учун мутахассислар тайёрлаш учун катта имконият яратади.

Шу маънода бизнинг битирув малакавий ишимиз ниҳоясида асосий таклиф сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамыз.

Бизнингча: 1. Республикадаги барча мутахассис тайёрловчи таълим муассасалари кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда ўзларининг таълим маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишлари зарур.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этиш натижасида ҳомийлик, васийлик ишлари амалга ошириш зарур.

3. Амалга оширилган ишлар натижасида корхоналарнинг талаб эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда малакали кадрларга бўлган талабларини тегишли олий ўқув юртларига тақдим этиш ишларини йўлга қўйиш керак.

“Иқтисодий назария” курсини ўқитишда таъсир этадиган объектив ва субъектив омилларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш зарур.

4. Замон талаблари асосида илғор педагогик ва ахборот технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш натижасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зурур.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд қилинган таклифлар амалиётга тадбиқ этилса, қайсидир маънода Ўзбекистонда малакали тайёрлаш тизими муаммолари бартараф этилади ва барча мутахассис кадрлар ўз иш жойларига эга бўладилар.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўрта махсус касб ҳунар таълими меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент “Шарқ” 2001 йил.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўрта махсус касб ҳунар таълими меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент “Шарқ” 2001 йил.

3. “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида Низоми” Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарори.

4. Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ЎзР Президентининг қарори. 2012 йил 10 декабр.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2012 йил 25 июл.

6. Республика ўрта махсус касб ҳунар таълими муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2012 йил 29 декабр.

7. “Соғлом бола йили” Давлат дастури. 2014 йил 14 феврал ПҚ – 19 20 сонли қарори.

8. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури. 2012 йил 27 феврал ПҚ – 17 17 сонли қарори.

9. «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 - майдаги ПҚ-1761 сонли қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

10. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар

стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. - Т.: Ўзбекистон, 2014.- 36 б.

11. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган маърузаси. Ишонч газетаси. 2013 йил 19 январь.

12. Каримов И.А. “2012 – йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”, № 14, 20.01.2012.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон”. 2011.

14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, № 220, 13.11.2010 й.

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. “Ўзбекистон”. 2009 йил.

16. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч.” Т. “Маънавият.” 2008йил.

17. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

III. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

18. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўрта махсус касб ҳунар таълимига оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.

19. 2012 йил 24 апрелда вазирликнинг “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг илмий-методик ҳамкорлигини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғи.

20. “Олий талим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ЎзР Президентининг қарори. 2011 йил 20 май. № 1533.

21. “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг илмий-методик ҳамкорлигини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Олий ва ўрта махсус таълим вазирликнинг 172-сонли буйруғи, 24.04. 12.

22. “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2012 йил 28.05

IV. Асосий адабиётлар.

23. Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Фан ва технологиялар” 2009 йил.

24. Шодмонов Ш. Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Иқтисодиёт, 2010.

25. Шодмонов Ш., Алимов Р. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2003.

26. Шарифхужаев М. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Т. “Ўқитувчи”, 2000.

27. П. Хейне. Экономический образ мышления. М. “Новости” 1991.

28. Ж.Йўлдошев, С. Хасанов. Педагогик технологиялар. Тошкент “Иқтисод-молия” 2009.

29. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С.. Педагогик технологиялар. Т. “Иқтисод-Молия”, 2009 й.

30. Тожибоева Д.. Иқтисодий педагогика. Т. “Фан ва технология”, 2008.

31. Тожибоева Д.. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т. “Фан ва технология”, 2007
32. Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси фанини ўқитиш методикаси. Т. “Фан ва технология”, 2005
33. Толипов Ў, Усмонбоева Ў.. Педагогик технология: назорат ва амалиёт. Т. “Фан”, 2005.
34. И.Иномов, Мамажонов И. Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: Талаба, 2005
35. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич ўқувчиларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010.
36. Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. “Илмий фаолиятга тайёргарлик асослари”. Т.ТДИУ. 2010.
37. Зиёмухаммедов Б., Тожиев М. Педагогик технология-замонавий ўзбек миллий модели. Т. “Lider-Press”. 2009.
38. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. Т. “Иқтисод-молия”, 2009.
39. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Т. “Фан”, 2005.
40. Атаев Н., Расулова Ф., Ҳасанов С. Умумий педагогика. Т. “Фан ва технологиялар”, 2011.
41. Мавлонова Р. “Педагогика”. Т. “Ўқитувчи”, 2010.
42. Ибрагимов Х. Педагогика назарияси. Т. “Фан”, 2011.
43. Ж.Ҳасанбоев. Педагогика. Т. ТДПУ, 2011.
44. Кузнецов В.И. Управления персоналом. М: Московский Государственной Университет Экономики, статистика и информатика. 2005
45. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т. «Истеъдод» - 2008.
46. М.Ҳакимова. Касбий педагогика. Т. ТДИУ., 2012.
47. Н.Файзуллаева. Ижтимоий педагогика. Т. ТДИУ., 2012

48. Подласый И.П. Педагогика. М., «Владос». 2007.

49. Азизхужаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., ТДПУ. 2003.

V. Қўшимча адабиётлар

50. Иномов И., Мамажонов И. Иқтисодий тарбия назарияси. Ўқув услубий қўлланма. Т., ТДИУ., 2007.

51. Мамажонов И. Бўлажак иқтисодчи ўқитувчи кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. Магистрлик диссертацияси. – Т., 2001.

52. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Т., ТДПУ., “Иқтисод-молия”. 2012.

53. Авлиёқулов Н. Педагогик технология. Т., 2012.

54. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Тошкент, “Фан ва технология”, 2007.

55. Файзуллаева Н. Таълим менежменти ва иқтисодиёти. Маърузалар матни. Т. ТДИУ. 2012.

56. Ахметова К., Файзуллаева Д. “Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишнинг йўл ва воситалари” мавзуси бўйича ўтказиладиган тренинг машғулотининг таълим технологияси: Услубий қўлланма /«Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси» сериясидан. -Т.: ТДИУ, 2010.

57. Сластенин В.А. Введение педагогическую акциологию.-:М. «Академия», 2003. 192 ст.

VI. Даврий нашрлар. Статистик тўплам ва ҳисоботлар

58. Вестник университета российской академия образования. М. 2011. №3.

59. Иқтисодиёт ва таълим. Журнал. 1- сон. 2011.

60. Халқ таълими. Журнал. 2013 йил. 1-2 сонлар.

61. Таълим ва тарбия. Журнал. 2013 й. 3-4 сон.

62. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвуйлигини таъминлаш: ютуқ ва муаммолар. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. Т. ТДИУ., 2012. 1-3 қисмлар.

VII.Интернет сайтлари

<http://www.cbu.uz> - 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // ЎзР Марказий банки расмий сайти.

www.worldtax.org , www.worldwide-tax.com

www.taxworld.org, www.worldtax.org

www.aif.ru., www.krotov.info

www.gumer.info

www.gumannaja-pedagogika.ru

www.koob.ru/pedagogics/